Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 177 (13.439).
6 АВГУСТ
1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.



СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозида бу йил 2500 гектар майдондаги пахта ҳосили машинада териб олинади. Колхоз механизаторлари пахта териш машиналари ремонтини тугаллаш арафасида турибди. Суратда: колхоз слесарлари Одил Қўлдошев ва Маҳмуд Элбоев ўртоқлар ремонтдан чиқарилган агрегатларни яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ҚУДРАТИ

Давлат — ўзимиз. Совет кишилари бу сўзни фахр ва нифтихор билан айтадилар. Бу сўзда буюк қудратимиз, фаровон ҳаётимиз, порлоқ истиқболимиз намоён. Бу сўзда жаҳон халқлари қаётбахш тузуммизнинг, социалистик демократиянинг беқиёс афзалликларини кўрадилар.

Давлат — ўзимиз. Улуғ юртимизда бу сўзнинг қадр-қиммати, обрўси, мазмун-мундарижаси тобора ортмоқда. Коммунистик партия Совет давлатини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда демократияни изчиллик билан ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Партия XXIII съезди давлатни бошқаришга халқни қатнаштиришни ривожлантиришнинг кенг истиқболларини кўрсатиб берди. Шу йил 12 июнда СССР Олий Советнга бўлиб ўтган сайловлар халқимиз монолит бирлигини, унинг Коммунистик партияга, Совет ҳокимиятининг Олий органига бўлган ишончини яна бир марта намойиш қилди.

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг кечагина ўз ишини тамомлаган биринчи сессияси материалларида партиянинг давлат ва халқ бирлигини тағин ҳам мустаҳкамлашга, маҳаллий Советлардан тортиб Олий Советларгача Советлар бутун системасининг ишини такомиллаштиришга қаратилган режалари нақадар ҳаётий эканлигини ҳамда бу тарихий вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганлигини кўрамиз.

Сессияда давлат ишларини бамаслаҳат юргизиш учун халқ вакил қилиб юборган депутатлар — ишчи, деҳқон ва зиёлиларнинг энг талантли, энг яхши намояндалари, турли миллат фарзандлари Совет ҳокимияти олий органининг самарали, муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминловчи ички ва ташқи сиёсатимизга таллуқли муҳим масалаларни ҳал қилиб олдилар. СССР Олий Совети Президиуми ҳамда СССР ҳукумати — СССР Министрлар Совети тузилди, палаталарнинг доимий комиссиялари ташкил этилди. Шунингдек, Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатдаги программаси белгиланди. Америка империализмининг Вьетнамдаги агрессияси кучайиб бораётганлиги муносабати билан СССР Олий Советининг баёноти қабул қилинди. Депутатлар қабул қилинган барча ҳужжатларни бир овоздан маъқуллашдилар. Совет ҳукуматининг халқимиз фаровонлигини янада оширишга, совет демократиясини ривожлантиришга, тинч-осойишта яшашга қаратилган, партиянинг XXIII съезди қарорлари билан суғорилган асосий йўли СССР Олий Совети томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Совет давлатининг шоили 50 йиллиги арафасида янгидан сайланган СССР Олий Совети тарихий ва шонли беш йиллик план топшириқларининг муваффақиятли амалга ошишида алоҳида роль ўйнайди. Бу беш йиллик ўзининг режалари жиҳатидан коммунистик қурилиш жараёнида абадий ўчмас бир саҳифа бўлиб қолади. Негаки, индустриямиз 2-3 йилда бошқаришнинг янги йўлига тўла кучади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ғоят кенг кўлам ва суръатлар билан юксалади. Халқ хўжалигини қайта қуришдек мураккаб ва шарафли вазифани бажаришда ҳар бир депутат ташаббус кўрсатиб ишлаши лозим. Бу билан Советларнинг давлат, маданий ва иқтисодий қурилишдаги роли янада ортади. Маҳаллий Советларнинг ҳам, СССР Олий Советининг ҳам депутатлари ўз олдиларида турган муҳим вазифаларни ҳар кун, ҳар соат ёдда тутишлари лозим.

Сессия партия ва ҳукуматимиз олдида турган, халқ фаровонлигининг янада оширилишига қаратилган катта вазифаларни амалга оширишда депутатларнинг, жамоатчиликнинг кенг фаолият кўрсатишини таъминлаш, раҳбарликнинг самарали, таъсирчан бўлишига эришиш, ишчони текширишни янада яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни ҳам белгилади.

Коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш халқнинг меҳнат ғайратини, сиёсий активлигини ўстириб бориш билан бирга оммани жамлят ва давлат ишларини бошқаришда кенгроқ жалб этишни талаб этади. Сессияда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссиялари сонини кўпайтириш, улар кўриб чиқадиган масалалар доирасини кенгайтириш масалалари келишиб олинди. СССР Олий Совети палаталарида янги доимий комиссиялар тузиш — КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан партия XXIII съездида қилинган ҳисобот докладида айтилган масалаларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Доимий комиссияларнинг давлат, ҳўжалик ва социал-маданий қурилишнинг асосий йўналишлари бўйича, шунингдек, СССР Олий Совети фаолиятининг айрим масалалари бўйича тузилиши доимий комиссиялар ишида депутатларнинг янада кенгроқ, мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакилларининг кўпроқ иштирок этишини таъминлайди. Янги доимий комиссияларнинг тузилиши совет ваколатли органларининг, Совет давлати демократик принципларининг ривожланишини кўрсатади.

Шу кунларда республикамизнинг қайси шаҳар ва қишлоғига борманг меҳнаткашлар сессия материалларини кенг муҳокама қилаётганликларини, маъқуллаётганликларини кўрасиз. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифаси сессия материалларини кенг халқ оммасига янада чуқурроқ тушунтиришдан, меҳнаткашларни сессия қарорларини ҳаётга татбиқ этишга сафарбар қилишдан ҳамда янги зафарларга отлантиришдан иборатдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг ҳар бир тарихий ҳужжатига меҳнатда эришилган янги ютуқлар билан жавоб бериш халқимизнинг ажойиб одатларидан биридир. Сессия материаллари барча совет кишилари, қатори Узбекистон меҳнаткашларининг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Улар коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш, халқ фаровонлигини янада ошириш ҳамда меҳнаткашларнинг тинч, осойишта ишлашлари, ижод қилишлари учун қулай шароитлар яратиб беришни кўзда тутган беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бор билим ва кучларини сарфлайдилар.

СОВЕТ—ЖАЗОИР ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Жазоир саноат ва энергетика министри Белоид Абдиссалом бошчилигидаги Жазоир иқтисодий делегацияси икки ҳафта чамаси Совет Иттифоқида турди.

СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетида ва Ташқи савдо министрлигида олиб борилган музокараларда иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасида тузилган шартнома қандай бажарилаётганлигига доир масалалар батафсил кўриб чиқилди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида бундан бўён қилинадиган иқтисодий ҳамкорлик ва савдо муносабатлари масалалари муҳокама қилинди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар натижасида тегишли ҳужжатлар имзоланди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Жазоир делегациясининг бошлиғи Б. Абдиссаломни қабул қилди. (ТАСС).

ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

МОСКВА, 4 август. (ТАСС). Бугун бу ерда XVIII халқаро психологлар конгресси очилди. Шу билан бирга Москва мана шу ёзнинг ўзида жаҳон олимларига ўз эшикларини тўртинчи марта меҳмондўстлик билан очмоқда. Бугун 43 мамлакатдан келган 4 мингдан ортиқ олим Кремлнинг Съездлар саройя меҳмони бўлди.

Конгрессни Совет тайёргарлик комитетининг раиси академик П. Н. Федосеев очди. СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш ва Москва Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Т. Сизов олимларни табриклардилар.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

«Гулбоғ» совхозининг илғор 1, 5, 7-бўлими пахтакорлари ғўза парваришини қизғин давом эттириб, ҳосилга-ҳосил қўшяптилар. Айниқса улар пахтаси машинада териладиган майдонлардаги ғўзалар парваришига алоҳида эътибор беряптилар. Ҳамма майдонлар ёвойи ўтлардан яна бир тозаланиб, ҳозирданоқ машиналарга қулайлик яратилмоқда.

Совхоз устахонасида пахта териш машиналарининг ремонти ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Қисқа вақт ичида 50 дан ошиқ агрегат ремонтдан чиқариляпти, тахт қилиб қўйилди.

Совхоз пахтакорлари бу йил ҳамма ҳосилнинг 95 процентини машина кучи билан териб олишни планлаштирганлар.

Б. МАҲМУДОВ,
Задарё районн.

●

Тўра Гуллиев, Аваз Турапов ва Мадад Каршиев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар Карл Маркс номли колхознинг юқори ҳосилли бригадалари ҳисобланадилар. Бу илғор бригадаларнинг азамат пахтакорлари август ойида ҳамма майдондаги тўзаларни камида икки марта комплекс парваришлаб, ишлашмоқчи. Ҳозир ҳар туп ғўзада 8-10 тадан тўқ кўсаклар ҳосил бўлди.

А. ХУДОЙНАЗАРОВ,
Қарши районн.

●

«Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Файзулло Толипов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари ғўза парваришида алоҳида ўрнак кўрсатиб ишлашяпти. Бригаданинг Р. Маҳсумова, К. Болтаева, Қ. Ҳусенов ва С. Наврўзова каби аъзолари кунлик иш нормаларини 1,5-2 ҳиссадан адо этишиб, ўзаро социалистик мусобақада голиб чиқишяпти.

М. МУҲИДОВ,
Ромитан районн.

●

Сурхондарё область, Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг барча колхозчилари Тошмуҳаммад Дўстовни уста суғорчи сифатида танийдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўртоқ Т. Дўстов сувчиликда алоҳида маҳорат касб этган. У шу кунларда ҳам ўз маҳоратини ишга солиб, ғўзаларни меҳр билан суғоряпти. У суғорган ғўзалар кун сайин яшнаб, мўл-кўл ҳосил тўплаяпти. Унинг бир ўзи бир ҳафта ичида 20 гектардан ошиқ майдондаги ғўзани суғорди.

Колхознинг Эштемир Сафаров, Аъзам Турсунов ва Ғаффор Турсунов ўртоқлар каби сувчилари ҳам Т. Дўстовдан намуна олиб, ишда яхши кўрсатмоқда эришяптилар.

Б. ЖУРАЕВ.

ТАЙЁРГАРЛИК ШУ БЎЛСА...

«Совет Ўзбекистони» рейди

Қорақалпоғистон Автоном республикаси пахтакорлари бу йил мамлакатга 235 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳду-паймон қилишган. Кўпгина илғор хўжаликлар олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун ғўза парваришини ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юбордилар. Ҳосил тўплаш ойлиги яхши якунланди. Ҳар туп ғўзада кўп гул, 4-5 тадан тўқ кўсак бўлишига эришилди.

Айни вақтда Автоном республиканинг машъал хўжаликлари, бригада ва звеналари ғўза парваришини машина теримига мослаб давом эттирмоқдалар. Бу ишда механизаторлар алоҳида жасорат кўрсатишяпти. Ўтган йили «пўлат этак»лардан 90-130 тоннадан пахта тўккан Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхозидан Пардагул Бекалиева, «Наманган» колхозидан Сора Нурмаҳонова, Беруний районидаги Навоий номли колхозидан СССР Олий Совети депутати Анор Нуруллаева, Чимбой районидаги Калинин номли колхозидан Г. Мирзамбетова каби моҳир механизаторлар шу кунларда ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш билан бирга, теримга ҳам ҳартарафлама яхши тайёргарлик кўришяпти. Улар бошқараётган тракторлар бетиним ишлайди, агрегатлар эса аллақачонлар ремонт қилиб қўйилган.

Афсуски, Автоном республиканинг ҳамма хўжаликларида машина теримига тайёргарлик ишлари яхши бораяпти, деб бўлмайди. 70 минг гектар ердаги пахта машина теримига ажратилган бўлса-да, кўпчилик майдондаги ғўзалар ана шунга мослаб ўстирилмаяпти. «Узсельхозтехника» район бирлашмалари, колхоз ва совхозларнинг устахоналарида терим агрегатлари ремонти устидан назорат ўрнатилмаган. Ремонтчиларнинг баракали меҳнат қилиши учун шароит яратилмаган. Олисдан қатнаб ремонт қилаётган тракторчиларга транспорт ажратилмаган.

Амударё районидаги «Ленинизм», Ленин номли, Хўжайли районидаги «Коммунизм» колхозларида, Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида терим машиналари ремонти ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан нега ремонт кечикиб кетяпти, деб сўрасангиз: «Ҳали вақт эрта» деб жавоб қайтаришади. Бу ўтакетган масъулиятсизлик эмасми!

Беруний районидаги ўртоқ Ш. Ўразбоев раислик қилаётган «Правда» колхозида 12 та агрегатдан ҳалигача бирортаси ҳам ремонт қилинган эмас. Кўнғирот районидаги «Кўнғирот» совхозида (директори ўртоқ А. Шарипов) 84 та терим машинасидан тўрттаси, Свердлов номли совхозда (директори ўртоқ У. Матниёзов) 104 та агрегатдан 10 таси, Киров номли совхозда (директори ўртоқ Н. Қурбонбоев) 128 та агрегатдан 10 таси ремонтдан чиқарилган, холос. Умуман район бўйича 322 «зангори кема»дан бор-йўғи 34 таси ремонт қилинганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Район партия комитети (биринчи секретари ўртоқ Қ. Абдиров) ва район ижроия комитети (раиси ўртоқ У. Худойберганов) пахта териш машиналарининг мавсумга барвақт тайёрлаб қўйилиши учун қайғурмаётганга ўхшайдилар.

Бундай аҳволни Тахтакўпир районида ҳам учратиш мумкин. «Тахтакўпир» совхозида 55 та агрегатдан энди 10 таси, Ленин номли совхозда 70 та агрегатдан 11 таси, «Москва» совхозида 50 та агрегатдан 7 таси тахт қилинган. Район бўйича ҳали ҳам 200 га яқин ремонт қилинмаган агрегат бор. Бу, район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларини мутлақо ташвишга солмаётир.

«Узсельхозтехника» автоном республика бирлашмасининг жойлардаги устахоналарига колхоз ва совхозлардан шартнома бўйича 220 та терим машинаси келтирилган. Тағин 80 та агрегатни ремонтга юборишдек ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаётир. «Узсельхозтехника» устахоналарида ремонт ишларининг сўръати ва сифати қаноатланарли эмас. Энди 90 та агрегат ремонт қилинди. Кўпгина машиналар очиқ ҳавода қаровсиз ётибди. Уларга ўтган йилдан буён қўл урилгани йўқ.

Қорақалпоғистонда механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрлаш ишига ҳам жиддий аҳамият берилмаётир. Совхозларда юзлаб механизаторлар етишмайди. Лекин Автоном республика совхозлар трести ва унинг раҳбарлари механизатор кадрлар тайёрлашга беларво қарамоқдалар.

Ўтган йили терим машиналари кўнгилдагидек ремонт қилинмаганлиги натижасида кўпгина агрегатлар бекор туриб қолган эди. Қорақалпоғистон бўйича ҳар бир агрегат билан териб олинган пахта бултур ўрта ҳисобда 28 тоннага тўғри келди. Бу, машиналарнинг бир меъёрда ишлатилмаганлиги оқибатидир. Ўтган йили «запас қисмлар етишмайди» баҳонаси билан 230 та агрегат бутунлай ишламади.

Бу йил ҳам шундай бўлиш хавфи бор. Ҳозиргача 500 та агрегатни ремонт қилиш учун запас қисмлар етишмайди.

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш билан бирга, пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриладиган ойдир. Бироқ, Автоном республикада ғўза парваришн бирмунча суст сайтириб юборилди, йиғим-теримга, айниқса машина теримга тайёргарлик талабга жавоб бермайди.

К. ОМОНЖУЛОВ,
Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлиги механизация бўлимнинг старший инженери.
А. ЖУМАГУЛОВ,
«Совет Қорақалпоғистони» газетасининг ходими.
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ПЛАН КАМ ОЛИНГАЧ...»

Бўз район партия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 17 июль сонида босилган «План нам олингач...» сарлавҳали танқидий мақола район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Шунингдек, мақола колхоз ва совхоз партия комитетлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғиг партия ташкилотларида ҳам муҳокама этилди, йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Жумладан, 1966 йилда район бўйича ялпи ҳосилнинг 50 процентини машиналарда териб олишга қарор қилинди. «Мингбулоқ», «Улуғнор» совхозларида эса 70 процент пахта «зангори кема»ларда терилади. Шу мақсадда 120 нишидан иборат (шу жумладан 50 хотин-қиз) механик-ҳайдовчиларнинг янги отряди тайёрланмоқда. «Партия XX съезди» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Маннон ЖАЛОЛОВ бошлиқ бригадасида 200 механик-ҳайдовчи иштирокида ўтказилган кўргазмада ҳам «План нам олингач...» танқидий мақоласи муҳокама этилди. Жалолов машина терими соҳасидаги тажрибаларини сўзлаб берди. Механик-ҳайдовчилар ўз эгмаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Йиғилишда 20 августга қадар 215 терим машинасини мавсумга шайлаб қўйиш, Жалолов бригадасида механик-ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш курси очишга қарор қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Юк ва пассажирлар ташиш етти йиллик планини бажаришда эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 4 август Фармонига мувофиқ, темир йўл транспорти ходимларидан катта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан 601 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 2044 киши, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан 7584 киши, «Шаъватли меҳнат учун» медали билан 5103 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан 5102 киши мукофотланди.

ОНА-ВАТАН РАВНАҚИ, ШОН-ШУҲРАТИ ЙЎЛИДА

ЭКОНОМИКАМИЗ ЯНАДА ЯШНАЙДИ

СССР Олий Советининг еттинчи чақириқ биринчи сессияси материалларини барча совет кишилари қатори биз, геологлар ҳам диққат билан ўқиб чиқдик, батамом маъқуллаймиз. Сессияда саноат ва қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларини жадаллик билан ривожлантириш кераклиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Экономикани тез ривожлантирмоқ учун эса йирик ва мустаҳкам хом ашё базасини бундан буён ҳам кенгайтириш керак.

Ҳозир геологлар республикамизнинг тоғлари ва водийлари, чўллари ва даштларида катта разведка-қидирув ишларини олиб бормоқдалар. Наманганда нефть конларининг, Қизилқумда олтин манбаларининг очилганлиги хазина топларимизнинг катта зафаридир. Қарши даштида ва Қизилқумда янги нефть-газ ва олтин конларни ишга тушириш ва кон-маъдан корхоналари бунёд этиш учун минглаб ишчи ва мутахассислар ғайрат билан ишламоқдалар. Сессия қарорларидан руҳланган биз, геологлар бундан буён яна ҳам унумлироқ ишлаймиз.

А. МАЪМУРОВ,
Тошкент геология трестининг геологи.

Республикамиз меҳнаткашлари еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Суратда: Тошкентдаги 2- пойафзал фабрикасининг 6- цех ишчилари (чапдан ўнгга): Х. Исломова, Ш. Қосимова, А. Абдуллаев, Х. Абдуллаев ўртоқлар СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Косигиннинг сессияда сўзлаган нутқини ўқимоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Колхозимиз аъзолари СССР Олий Совети сессияси материалларини қизғин қутиб олдилар. СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг сессияда сўзлаган нутқи совет кишилари, аниқса биз, колхозчи деҳқонлар тўғрисида партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган буюк ғамхўрлик намунасидан иборатдир. Ҳақиқатан ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кейинги вақтларда деҳқонларга катта ёрдам бермоқдалар. Меҳнатга гарантияланган тарзда ҳақ тўлашнинг жорий этилиши ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Колхозчиларимиз бу ғамхўрликка жавобан 1260 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» топширишга қатъий бел боғладилар. Улар ўртоқ А. Н. Косигин нутқини сатрма-сатр ўқиб, беиҳоя илҳомланмоқдалар ва ғайратларига-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Чуноончи, ғўза парвариши кун сайин қизитилмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 6-7 тадан кўсак бор. Август ойини ҳосилга-ҳосил қўшишда ҳал қилувчи ой деб эълон қилганмиз. Сессия материалларига жавобан мажбуриятни қоплайдиган даражада пахта етиштириш учун куч-ғайратимизни алмаймиз.

С. ЭРГАШЕВ,
Шаҳрисабз районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

ДАВЛАТ—ЎЗИМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз совет демократиясининг равнақи учун, халқ баҳт-саодатининг гуллаб-яшнаши учун ғоят муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Куни кеча ўз ишини тугатган еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг сессияси ҳам бу соҳада муҳим воқеа бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда халқнинг кенг оммаси давлат ишларида фаол қатнашиши учун барча имкониятлар яратилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет кишиси фахр ва нифтихор билан «давлат — бизнинг ўзимиз», дейди. СССР Олий Совети тузган ва кенг доирадаги социал-иқтисодий ҳамда бошқа муҳим масалалар билан шуғулланадиган янги комиссиялар давлат турмуши ва иқтисодий турмушнинг равнақи йўлида катта ишлар қилишига аминмиз. Бу тадбирлар миллион-миллион меҳнаткашларни мамлакатни идора этишга актив қатнашишга даъват этади. Давлатимиз берган катта ҳуқуқ ва имтиёзлар тўла фойдаланиб, инсоннинг орзуси — коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшайлик.

Н. МАҲСУМОВ,
шахсий пенсионер, Тошкент шаҳри, Октябрь район Советининг депутати.

Беш йиллик қурилишларида

ОБОДОНЛИК ЙЎЛИ

Қарши дашти ўзлаштирилмоқда. Яқин келажакда бу ерда янги йирик пахтакор хўжаликлар вужудга келади. Ана шунда республикамиз Ватанга қўшимча равишда кўплаб «оқ олтин» етказиб бериш имкониятларига эга бўлади. Қарши даштини ўзлаштириш учун олиб борилаётган кураш шу кеча-кундузда ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юборилди. Бинокорлар янги уй-жой, маданий-маиший биноларни тиклямоқдалар. Сув иншоотлари барпо қилинмоқда, автомобиль йўллари қуриляпти.

Йўли яқиннинг иши осон бўлади. Катта қурилишлар ва чўлни обод қилиш учун бошланган ҳаракат қатнашчилари тобора кўпайиб бормоқда. Кетма-кет қурилиш материаллари, бинокорлик техникаси келтирилиб турибди. Лекин йўл узоқлик қилмоқда. Ҳозирги кунда Самарқанддан Қаршига темир йўл вагонлари ёрдамида юк ташиб бориш учун Когон орқали 407 километр йўл босиб ўтилмоқда. 407 километр узунликдаги пўлат изларда материаллар ташиш оқибатида кўплаб маблағ ноўрин сарфланмоқда. темир йўл составларининг анчагина вақти исроф бўлмоқда. Самарқанддан Қаршига темир йўл орқали бориш учун Когондан айланиб келиш жуда узоқ.

Республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани тузилаётганда ана шу масалага алоҳида эътибор берилди. Самарқанддан Қаршига етиб бориш учун қисқа йўл — 144 километр узунликдаги темир йўл линияси қуриш назарда тутилди. Бу темир йўлчиларни ҳам, чўлқувварларни ҳам хурсанд қилди.

Самарқанд — Қарши темир йўл линияси қурилишининг лойиҳа топшириқлари тайёр бўлди. Бу йўлни барпо қилиш учун 4 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилади. 258 сунъий иншоот қурилади. Натижада тепловозларнинг бетўхтов ҳаракат қилиши, халқ хўжалиги юкларининг мўлжалланган объектларга барвақт етказиб борилиши таъминланади. Йўл яқин бўлади, вақт тежалади, кўплаб маблағ иқтисод қилиб қолинади. Янги темир йўл линияси қуришга сарфланадиган маблағларнинг ҳаммаси бор-йўғи 4—5 йилда тўла қопланади.

Бутуниттифоқ темир йўлчилар байрами арафасида Самарқанд — Қарши темир йўл линиясини қуриш ишлари бошлаб юборилди. «Средазстроймеханизация» трестининг 11-механизациялашган колоннаси коллективи енг шимариб ишга киришди. Ҳозир бу ерда пўлат излар ўтадиган йўллар текисланмоқда. Ҳадемай, рельслар ташиб келтирила бошланади.

Йўл тўла қуриб тамомлангач, юк поездларининг йўл босиш масофаси қисқаради. Пассажирлар манзилларига эртароқ етиб борадиган бўладилар. Термизга ва Тожикистон ССРга олиб борадиган йўл узунлиги ҳозиргига қараганда 250 километрдан ҳам кўпроқ қисқаради. Когон ва Самарқанд, Когон ва Қарши йўлларида поездлар кўп юк билан тез қатнайдиган бўлади. Когон ва Самарқанд орқали ўтадиган поездлар сони ортади. Мавжуд 407 километр узунликдаги изнинг ёнига қўшимча из ётқизиш ҳақидаги илгариги таклифларни амалга оширишга ҳожат қолмайди. 144 километрлик янги Самарқанд — Қарши йўли ташиладиган юклар миқдорини кўпайтиришга ёрдам беради. Ана шуларнинг ҳаммаси оқибат- натижада Қарши чўлини ўзлаштириш, Қашқадарё воҳасида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ёрқин истиқболларини очиб беради.

Н. КРАВЧЕНКО,
темир йўл инженери.

ТОШКЕНТЛИКЛАР УЧУН

БУХОРО. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Зилзиладан зарар кўрган Тошкент тўғрисида ҳозир бутун мамлакат ғамхўрлик қилаётир.

Бухоро область колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари ажойиб ташаббус бошладилар. Улар жонажон Тошкент аҳолисининг сабзавот ва полиз экинларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, қўшимча равишда 1.000 гектар ерга кечки бодринг, 200 гектар майдонга пиёз, қариб 100 гектар ерга саримсоқ, бир неча ўн гектар майдонга сабзи ва бошқа кўплаб полиз ва сабзавот экинлари экишга киришдилар. Кечки сабзавот ва полиз экинлари учун серунум майдонлар ажратилган.

Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли колхозда дастлабки 80 гектар яхлит майдонга кечки бодринг уруғи ташланди. Колхознинг Даврон Турсунов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси аъзолари тошкентликлар учун яна 20 гектар ерда саримсоқ, 9 гектар жойда сабзи етиштирмоқдалар.

Бухоро районидаги «Маданият», Фрунзе номли колхозларда, Ромитан районидаги Свердлов номли, «Москва», Вобкентдаги «Зарафшон», Калинин номли, «Шофрикон» колхозлари ҳамда Когон рэйонидаги «Бухоро» совхози ва бошқа қатор хўжаликларда Тошкент аҳолиси учун сабзавот етиштирувчи алоҳида бригадалар ташкил этилди.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

А. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг секретари

◆ ◆

Фарғона меҳнаткашлари беш йиллиқнинг биринчи йилида ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳ билан жасорат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётирлар. Бу ўзининг дастлабки ажойиб натижаларини берди. Область саноати ярим йиллик пландан ташқари қариб 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Жамоат чорвачилигини ривожлантиришда яхшигина натижалар қўлга киритилди. Шу йилнинг олти ойида колхоз, совхозлар давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп гўшт, сут, жун, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари топширдилар. Бултургидан минг тонна кўп пилла етиштирилди. Область пахтакорлари табиат инжиқликлари, офатларини мардонавор енга бориб, мўл ҳосил тўплаётирлар. Ҳозирги долзарб дамларда ғўзани ялпи парвариш қилиб, гулга-гул, кўсакка кўсак қўшмоқдалар.

Лекин коммунистлар эришилган дастлабки ютуқлар билан кифояланиб қола олмайдилар. Унинг янада салмоқли бўлишига ҳаракат қиладилар. Бу борада меҳнат аҳлининг моддий-маданий эҳтиёжлари қанчалик қондирилиши, уларга қанчалик ғамхўрлик қилиниши ғоят муҳимдир. Бусиз меҳнат унумдорлигини ошириб бўлмайди. Буни яхши тушунган область партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, турмуш маданияти масалаларига яна ҳам кўпроқ эътибор бера бошлади. Партия ташкилотлари одамларнинг ишлаб чиқаришдан ташқаридаги турмуш шароитлари, ҳаёти билан қизиқиб, маданиятни оширишга кўпроқ вақт ажрата бошладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII Пленуми қарорлари бошланғич партия ташкилотларини аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш, турмуш маданиятини яхшилаш ишида ўз имкониятларини қараб чиқишга, партиявий ишнинг янги ҳаётий формаларини топишга ундади. Ҳамма партия ташкилотлари хўжалик органлари билан биргаликда шу масала юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошира бошладилар. Ўттиз беш хўжалик қишлоқларни қайта қуриш ва колхоз маблағлари ҳисобидан маданий-маиший объектлар тиклаш бўйича 1964—1970 йилларга мўлжалланган тадбирлар планини область партия комитети пленуми муҳокамасига қўйди. Бу план-тадбирларда колхозчиларга уй-жойлар, болалар боғча-яслилари, тўғруқхона ва касалхоналар, маиший комбинатлар, ошхона, ҳаммом, типовой шийпонлар, меҳмонхоналар қуриш, канализация ва водопровод ўтказиш, газлаштириш кўзда тутилган эди.

Бағдод районидаги «Коммунизм» колхози Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII Пленумидан кейинок ажойиб ташаббус бошлади. Улар маданий-маиший объектларни ва колхоз посёлкасини лойиҳачилар ишлаб чиққан замонавий бош план асосида қуришга киришдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти аҳолининг турмуш маданиятини яхшиламай туриб хўжалик экономикасини кўтариш амри маҳол эканини гўшунди етдилар. Қишлоқни қайта қуришга маблағ топиб бердилар. Эндиликда бу колхоз аъзоларининг турмуш шароити шаҳар аҳолисининг турмуш шароитидан катта фарқ қилмайди. Колхозчилар яхшигина ойлик олишмоқда. Ўтган икки йил ичида 1000 дан ортиқ колхозчи оиласи янги типовой уйларда ҳовли тўйлари ўтказди. 760 ўринли мактаб ишга тушди. Марказлаштирилган фабрика, ошхона колхозчиларни, уларнинг фарзандларини иссик овқат билан таъмин эта бошлади. Ҳозир колхозда 6 та магазин, касалхона, туғруқхона, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, ҳаммом аҳоли хизматида. Бир сўз билан айтганда колхозчилар шаҳардагидек маданий, фаровон ҳаёт кечиришмоқда.

Колхозда турмуш маданияти университети очилганидан пахтакорлар беҳад хурсанд. Улар университетда ташкил этилган махсус хоналарда уй тутишни, уй-рўзғор жиҳозларидан қандай фойдаланишни ўрганишади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII Пленумидан кейин Поп районидаги Ленин номли, «Партия XXII съезди», Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли, «Коммунизм», Қува районидаги «Коммунизм», «Социализм», Карл Маркс номли, Олтиариқ районидаги «Ленинград», Ленинград районидаги Энгельс номли ва бошқа ўнлаб хўжаликларда маданий-маиший объектлар қурилиши беқиёс ўсиб кетди.

Ўтган икки йил ичида область хўжаликларида пахтакорлар учун ўн мингдан ортиқ типовой уйлар, 27 та маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, 26 та ҳаммом, 320 та дала шийпонлари ва кўплаб бошқа маданий-маиший объектлар қуриб берилди. Лекин афсуски, ҳали маданий-маиший объектларни қуриш айрим хўжаликларда авж олдириб юборилмаган Кўп жойларда қишлоқ аҳолисининг турмуш маданияти ҳали ҳам паст бўлишига қарамай, маданий-маиший объектлар қурилиши суръатлари жуда суст.

Область партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII Пленумидан кейин шу масалани икки марта ўз бюросида кўриб, жойлардаги аҳволни муҳокама қилди.

Поп районидаги Охунбобоев номли колхоз ва Қува район партия ташкилоти белгиланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳисобот берди. Бундан ташқари область партия комитети ўтган йили колхозчиларнинг турмушини яхшилашда кўзга кўринарли ишлар қилган Қува ва Ленинград районининг илғор хўжаликларида район партия комитетлари ва ижроия комитетлари бўлим мудирларининг кенгаши бўлди. Шу йил май ойида эса область, район, шаҳарлар ўртасида ўзаро текшириш ўтказилди. Ўзаро текшириш бригадалари жойларда аҳолининг турмуш маданиятини яхшилаш йўлида қилинаётган ишларнинг боришини текширди.

Қишлоқда турмуш маданиятини оширишга озми-кўпми тўсиқ бўлаётган, областимиз миқёсида ҳалигача ҳал бўлмай келаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Бу масалалар аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга тўла имкон бермай келаётир. Областимизда маиший хизмат кўрсатиш миқёси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Келажакда эса, маиший хизмат кўрсатиш халқ хўжалигининг йирик тармоқларидан бирига айланиб қолиши керак. Лекин областимизда маиший хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар етишмайди **Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республика министрлиги областимизда турли профилда кадрлар тайёрлайдиган ўқув комбинати ташкил этишни кўриб чиқиб, ижобий ҳал этса мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

Қишлоқ аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини маданий-маиший корхоналарни кенгайтириш, савдо ва медицина хизматини яхшилаш билангина қондириб бўлмайди. Партия ташкилотлари бунн яхши тушунади. Ҳали ҳам областимизда колхозчи ва совхоз ишчилари учун ўй-жой қуриб бериш кутилган даражада эмас Эндиликда кўплаб пахтакорларнинг ўзлари янги уйлар қуриб олишга кудратлари етади. Улар пахтачиликдан катта даромад олишмоқда. Лекин қурилиш материалларининг камчиллиги бунга имкон бермаяпти. **Республика Госплани қишлоқ аҳолисининг ёғоч, гишт, цемент, бўёқ сингари қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш тадбирларини кўришини истардик.** Бу қишлоқ қурилишини бир қадар тезлаштириш имконини берган бўлур эди.

Шунингдек, бизнингча, **колхозлараро қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга посёлка бош планига тўғри келадиган лойиҳага эга бўлган индивидуал қурувчилар билан шартнома тузиш ҳуқуқини бериш керак.** Бу фойдадан холи эмас. Бундан ташқари колхозлараро қурилиш ташкилотларига колхоз, совхозларга ажратиладиган маблағлар ҳисобига уйлар қуриб, колхозчи ва совхоз ишчиларига ўтказишга рухсат бериш керак.

Ҳозир область шаҳарларида уй-жойларни кооператив тартибда қурадиган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар бор. Бу ташкилотлар уйларни тез, соз қуриб меҳнаткашларни хурсанд қилишмоқда. Бизнингча, район ижроия комитетлари, ёки бўлмаса, колхозлараро қурилиш ташкилотлари ҳузурида қишлоқда ана шундай кооператив тартибда уйлар қурадиган хўжалик ҳисобидаги қурилиш ташкилотлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Область партия ташкилоти XIII пленум қарорларини амалга ошира бориб, маданий-маиший муассасаларининг аҳолига хизматини янада яхшилашга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор бера бошлади Ўтган икки йил ичида 21 та янги клуб, 130 га кутубхона ишга тушди. Шунингдек, қўшимча равишда жамоатчилик тартибида ишлайдиган 21 та кутубхона ишлай бошлади. Корхоналарда 64 та, колхоз ва совхозларда 37 та кўчма кутубхона ташкил этилди.

Халқ университетлари аҳоли ўртасида турмуш маданиятини тарғиб қилишнинг муҳим формасига айланиб қолди. Партия ташкилотлари аҳолига кино хизматини яхшилашга кейинги пайтда алоҳида эътибор беришмоқда. Областда кейинги йилларда қўшимча 63 та кино установкаси ишга туширилди. Шундан 56 таси қишлоқларда ўрнатилди. Лекин аҳолига кино кўрсатиш хизмати ҳали ҳам талабга жавоб бермайди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Бизнингча, республикамизда кинофильмлар етарлича дубляж қилинмаётир. Бундан ташқари киномеханиклар меҳнатига тўланаётган ойлики реал деб бўлмайди. Қишлоқда ишлаётган киномеханик ўртача 50-55 сўм миқдорида ойлик олмоқда, холос. Ваҳолонки, областимиз колхозчилари ўртача 68-70 сўм ойлик олишмоқда. **Қишлоқ киномеханики кечаси ишлашини ҳисобга олиб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни қайта кўриб чиқиш керак.**

Областимизда атеист лекторлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият бераётирмиз. Область сиёсий-маориф уйида икки йил ичида 220 атеист-лектор тайёрланди. Қўқондаги кечки марксизм-ленинизм университети ҳузурида ташкил этилган бир йиллик атеист-лекторлар тайёрлаш бўлимини 50 киши битириб чиқди. Фарғона шаҳар партия комитети қошида доимий атеист-лекторлар семинари ишлаб турибди. Илмий атеизмни кенг тарғиб қилиш мақсадида Фарғонада врачлардан иборат атеист-лекторлар группаси ташкил этилди Шунингдек, областимизда «Шаҳарлар куни», «Лекторлар куни», «Пропагандистлар куни» сингари кунларни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бошланғич партия ташкилотлари аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда бундан буён ҳам XIII пленум қарорларига суяниб иш кўрадилар.

Эндиликда турмуш маданиятини ошириш учун қишлоқда ҳамма нарса, бутун шароит бор. Клублар очиқ, дала шийпонлари, радио-телевизор, кино етарли. Аммо булар қуруқ савлатга турмаслиги керак. Афсуски, айрим жойларда клубларни чанг босиб ётибди. Қишлоқ партия ташкилотларининг вазифалари турмуш маданиятини ошириш учун қишлоқда бор имкониятлардан тўла фойдаланишдан иборатдир.

ЖАМИЛА Ҳакимова ҳам меҳнатидан бахт топган ўзбек аёлларидан бири. Тошкент марказий телеграфининг моҳир телеграфисткаси меҳнатдаги муваффақиятлари учун яқинда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Суратда: ўртоқ Жамила Ҳакимова.

◆ ● ◆

ЭНГ яхши кран машинистимиз! Инна Лаврентьева ҳақида у ишлайдиган коллектив аъзолари шундай дейишади. Суратда: Тошкентдаги 1-темир-бетон буюмлари заводи коллективининг беш йиллик топшириқларини бажариш учун бошланган мусобақасида илғорлик кўрсатаётган кран машинисти И. Лаврентьева.

И. Глауберзон фотолари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

ЧАЛА «ЯНГИ» МАКТАБЛАР

БУХОРО МАКТАБЛАРИ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Кейинги йилларда Бухоро область мактабларида машғулотларнинг тўла бир сменага кўчирилгани яхши самаралар бераётир. Ўқув ишлаб чиқариш бригадалари, устахоналар, фан кабинетларида ўқувчилар назарий билимларини анча мустаҳкамлаб, катта ҳаёт тажрибасидан ўтмоқдалар.

Ўтган беш йил ичида оталиқ корхоналари, колхоз ва совхозларнинг кучи билан 71 мактаб, 2,5 мингдан зиёд синф хоналари, 144 ўқув кабинети, 152 устахона ва 192 теплица қурилиб, ишга туширилди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Ёш бўғинни замонамизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашда халқ маорифи ходимлари билан бир қаторда колхоз, совхоз, маҳалла активлари, жамоатчилик ҳам актив иштирок этмоқда. Навоий, Вобкент, Ғиждувон районларининг маорифчилари, оталиқ корхоналари ва ота-оналар комитетлари зўр уюшқоқлик, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Мазкур район мактабларида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Чунончи, Навоий шаҳар мактабларида капитал ва жорий ремонт ишлари тугалланди. Бу ерда қисқа вақт ичида битта янги мактаб қурилди. 5 мактаб капитал, 10 мактаб жорий ремонтдан чиқарилиб, фан кабинетлари, лабораториялар жиҳозланиб қўйилди. Вобкент, Ғиждувон районларида бир қатор мактаблар сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Оталиқ корхоналари, колхоз ва совхозлар томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилаётган мактаблар устахоналар, парта, доска ва бошқа лаборатория жиҳозларига муҳтож бўлиб қоляпти. Чунки, колхозлар ҳисобидан қурилган мактаб биноси янги типда бўлишига қарамай, уни жиҳозлаш, фан кабинетлари, лабораторияларини кўргазмали асбоб-ускуналар билан таъминлаш муаммо бўлиб келаётир. Район ва область халқ маорифи бўлими ходимлари колхоз ҳисобидан қурилган янги мактабларни кўргазмали ўқув қуроллари, парта, доска ва бошқа инвентарлар билан таъминлашда ҳанузгача ожизлик қилиб келаётирлар. Сабабини суриштирдик. Маълум бўлишича планлаштирувчи ташкилотлар (райплан, облплан, республика госплани) оталиқ корхоналари, колхозлар томонидан қурилган ва қурилаётган мактабларни ҳисобга олмайди. Натижада ҳар йили колхозлар қурган мактаблар жиҳозланмай ишга туширяпти. Мана бир мисол: ўтган ўқув йилида фақат Ғиждувон районидаги оталиқ корхоналари ва колхозлар ҳисобидан 1,640 ўринли бешта янги типдаги мактаб қурилиб, улар доска, парта, кўргазмали қуролларсиз фойдаланишга топширилган. Оқибатда қишлоқ ўқувчилари «янги мактаблар»да фан кабинети нималигини билмай, синиқ парталарда, лабораторияларсиз ўқув йилини яқунладилар. Бухоро областининг деярли ҳамма районларида ўтган йилги камчиликлар бу йил яна такрорланмоқда. Колхозлар маблағи ҳисобидан қурилган мактаблар мутлақо жиҳозланмай «янги ўқув йилига тайёр» деган рўйхатга киритилаётир. Бу, албатта, қишлоқ ўқувчиларининг пухта билим олишларига, айниқса, физика, химия, математика фанларини тўлиқ ўзлаштиришларига салбий таъсир қилади. Колхозлар кучи билан қурилаётган мактабларнинг ўқув материал базасини мустаҳкамлашни республика Госплани ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўз оталиқларига олсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ромитан, Ғиждувон, Бухоро, Қоракўл, Вобкент районларидаги колхозлар бу йил 60 га яқин янги типдаги мактабларни қуриб фойдаланишга топширадилар. Область халқ маорифи ходимлари янги мактабларга ҳар йилгидек эски, синиқ парта, доска ва кўргазмали қуролларни киритишни мўлжаллаб ўтиришибди. Негаки колхозлар қурган мактаблар учун республика ёки область ташкилотларидан бирортаси инвентарлар, лаборатория асбоблари ажратишни планлаштирган эмас.

Янги беш йиллик планда қишлоқларда мактаб ва маданий биноларни қурилишини янада кенг кўламда ривожлантириш кўзда тутилган. Колхозларда қурилиш суръати ошган сари инвентарларга, ўқув қуролларига бўлган эҳтиёж ортаверади. Бу ҳақда, албатта, давлат ташкилотлари ўйлаб кўрмоқлари лозим.

Бухоро область қишлоқларида мактаб ва маданий-маиший биноларни қурилиши ҳозирги талаблар даражасида эмас. Область колхозлараро қурилиш ташкилоти (бошлиғи ўртоқ Ҳ. Маҳмудов)нинг жойлардаги бригадалари ишни ғоят суст ва сифатсиз бажармоқдалар. Бухоро, Ромитан, Қоракўл районларида бундан тўрт-беш йил илгари қурила бошлаган объектларда давлатнинг жуда кўп материал ва маблағлари исроф бўлаётир. Масалан, Бухоро районидаги «Янги турмуш» номли мактабни колхозлараро қурилиш ташкилоти 1960 йилда қура бошлаган эди. Ўтган етти йилдан буён кўзда тутилганидан анча кўп маблағ ва ишчи кучи сарфланди. Лекин ҳалигача мактаб биносининг усти ёпилган эмас! Асосий заказчи ҳисобланган «Янги турмуш» колхозининг раиси М. Муҳамедов биз билан суҳбатда бундай деди: «...маблағ топиладию, мактаб битмай турса, ҳеч кими йўқ. Биринчи галда пахта плани тўлиши керак...». Умумхалқ аҳамиятига эга бўлган мактаб қурилишига бундай муносабатда бўлиш халқ мулкининг исроф бўлишига олиб келади.

Бухоро областида мавжуд мактаблар, мактаб-интернатларни капитал ва жорий ремонт қилиш, уларнинг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш, фан кабинетларини жиҳозлаш ишлари ҳам ғоят суст олиб борилаётир. Мавжуд 529 мактабнинг 106 таси капитал, 418 таси жорий ремонт қилинишн керак. Ҳозиргача 83 та мактаб капитал, 360 мактаб жорий ремонтдан чиқарилган, холос. Мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлаш Бухоро, Қоракўл, Томди, Когон районларида, айниқса, суст олиб борилаётир. Бухоро районида 27 мактаб, 40 синфхона, Қоракўл районида 20 га яқин мактаб ва ўнлаб синфхоналар ҳали ремонт қилинмаган.

Янги ўқув йилига саноқли кунлар қолди. Вақт кутиб турмайди. Мактаблар ремонтини тез ва сифатли ўтказиб, ўқув йилини ҳар жиҳатдан пухта, намунали кутиб олиш халқ маорифи ходимлари ҳамда оталиқ ташкилотлари олдида турган муҳим вазифадир.

А. ҲАКИМОВ,
Бухоро район халқ назорати комитетининг раиси.
Т. ДАВРОНОВ,
Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси.
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ЯНГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бутун мамлакатимиз, шу жумладан Совет Ўзбекистони фан ва маданиятини барқ уриб гуллаб яшнатиш борасида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Республикамизда янгидан учта олий ўқув юрти ташкил этилганлиги мана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Янги ўқув юртларининг вазифаси, уларнинг режалари, яқин келажакдаги истиқболи ҳақида ҳиноя қилиб беришни сўраб мухбиримиз мазкур кенжа ўқув юртларининг ректорлари — А. АБДУНАБИЕВ, М. ҲАБИБОВ ва Р. АБДУРАСУЛОВ ўртоқларга мурожаат қилди:

ҚУРИҚ ЕР ИФТИХОРИ

— Сирдарё давлат педагогика институти қўриқ ердаги меҳнаткашлар ҳаётида катта воқеа бўлди, — дейди шу институт ректори ўртоқ А. Абдунабиев. — Чунки унда қўриқ ерликларнинг фарзандлари таҳсил оладилар Институт Сирдарёнинг худди ўзгинасида жойлашган. Янги олий ўқув юртига жой тайёрлаш ва ташкилий ишларни амалга оширишда, чунончи, ўқув корпуслари тайёрлаш, малакали ўқитувчилар билан таъминлаш масаласида область партия, совет ташкилотларининг ёрдами катта бўлди, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти коллективи лабораторияларни жиҳозлашда амалий ёрдам берди.

Институтимизда ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, чет тили факультетлари бўлади. Бу ўқув йилида мазкур факультетларнинг кундузги бўлимига 250 студент, сиртқи бўлимига 280 студент қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Янги ўқув юртига киришни истовчилар жуда кўп. Улар учун конкурс эълон қилинди. Кирувчиларнинг асосий қисми қўриқ ерликлар бўлиб, республикамизнинг бошқа областларидан келган йигит ва қизлар ҳам бор. Малакали ўқитувчилар, жумладан еттита фан кандидати фан чўққиларини эгаллашда студентларга таълим ва амалий ёрдам берадилар. Дастлабки имтиҳонлар бўляпти.

Институтимизнинг истиқболи порлоқ. Келгуси йили физика-математика, тарих-география факультетлари, 1968 йилда химия, геология факультетлари ташкил этилиб, йилига 600—700 студент қабул қилинадиган бўлади.

Ўқув юрти қўриқ ерликларнинг фарзандларини ўқитиш учун малакали педагог кадрлар тайёрловчи йирик марказ бўлиб қолади.

ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

Андижон давлат тиллар педагогика институти Фарғона водийсида янги бир илмий марказга асос солади. Бу ўқув юртн асосан водийнинг қишлоқ мактаблари учун рус ва чет тиллари ўқитувчилари тайёрлайди. Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқ мактаблари ана шу предметлар бўйича ўқитувчиларга муҳтожлик сезмоқда.

Ўқув юртига махсус икки қаватли бино, 400 ўринли ётоқхона ажратиб берилди. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз ишининг моҳир устаси бўлиб, улардан 10 киши фан кандидатларидир.

— Институтимиз бу йил ташкил этилганига қарамай, октябрь ойидаёқ сиртдан ўқувчилар диплом олишади, — деди ректор М. Ҳабибов. — Чунки бу ўқув юрти педагогика институтининг иккита факультети асосида ташкил этилган. Келгуси йил баҳорда эса чет тили бўйича кундузги бўлимни битирувчилар педагоглик дипломи олишади.

Институтнинг сиртқи бўлимига имтиҳонлар бўлиб ўтди. Мактабларда педагогик ишни маҳорат билан олиб бораётган ўқитувчилардан 50 киши қабул қилинди. Кундузги бўлимга эса кириш имтиҳонлари давом этяпти.

МАДАНИЯТИМИЗДА МУҲИМ ВОҚЕА

— Самарқандда ташкил этилаётган давлат архитектура-қурилиш институти мазкур профилдаги ягона ўқув юрти деса бўлади, — деди институт ректори Р. Абдурасулов. — Негани, ҳозирги вақтда Москвадаги Архитектура институти жуда катта ишни қамраб олганн билан, бир соҳада мутахассислар тайёрлайди. Бизнинг институтимиз ҳам архитектура, ҳам қурилиш бўйича етук мутахассислар тайёрлашга даъват этилган.

Бу йил янги ўқув юртига 525 студент қабул қилинади. Улардан юз киши архитектура, 75 киши инженерлик ва қурилишни ташкил этиш ишлари, 350 киши саноат-граждан қурилиши бўйича мутахассислар бўлиб етишадилар. Мазкур соҳалардаги инженерлар халқ хўжалигимизга нақадар зарур эканлиги равшан.

Келгусида архитектура факультетининг ўзи граждан қурилиши, саноат архитектураси, шаҳар қурилиши факультетларига бўлиниши мўлжалланмоқда. Худди шунингдек, қурилиш факультети базасида ҳам қурилиш, қишлоқ қурилиши, шаҳарлар ободончилиги бўйича алоҳида-алоҳида факультетлар ташкил этилади.

Ўқув юртининг ташкил этилиши совет архитектура санъати ва ўзбек миллий архитектурасини уйғун равишда ривожлантириш сари қўйилган янги қадамдир.

Жасорат шаҳри Тошкент кўчалари байрам тусини олди. Алвон транспарантларга дўстлигимизни мадҳ этувчи шиорлар ёзилган. Улар кўчаларни тўлдириб ўтаётган машиналарни безаган. Машиналар қўриқ ер ҳосили — помидор, бодринг, қовун-тарвуз, узум, шафтоли ва ёзнинг бошқа ноз-неъматларига лиқ тўла. Буларнинг ҳаммаси қўриқ ерликлардан Тошкент аҳолисига совға қилиб юборилган.

Дастлабки ноз-неъмат ортилган автоколоннани Мирзачўлни ўзлаштириш бошқармаси ходимлари ҳамда Сирдарё области кооператорлари юборишди. Бу ташаббус областнинг Илъич, Жиззах ва Боёвут районлари меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бу районларнинг хўжаликлари ҳам қовун-тарвуз ва сабзавот ортилган автоколонналарни Тошкент шаҳрига юбордилар. 17-совхоз деҳқонлари ўз маҳсулотларини Куйбишев районидаги биноқорларига, 18-совхоз ишчилари эса Тошкент биноқорларига ҳадя этдилар.

Республика кооператорлари икки ой ичида Тошкент шаҳри аҳолисига 5 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказишга аҳд қилишган. СУРАТДА: қўриқ ерликлар етиштирган ноз-неъматни ортган автоколонна.

Ф. Мельников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ИЗИДАН

МАШИНАГА ИХЛОС ҚЎЙИБ

Бизда машинани — мўл ҳосил, арзон пахта, мўмай даромад манбаи деб тушунадиган бўлиб қолишди. Турмушимиз фаровон бўлиб бораётганининг бир чеккаси ҳам шу машина туфайли. Машинага ихлос қўйиб кам бўлмадик. Қишлоғимизни шаҳар типидаги кўркам посёлкага айлантириб олдик. Илгариги чўлдан ишсиз ҳам қолмади.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ортиқча чиқимларга чек қўяди. Харажатлар кескин камайиб кетади. Пахтанинг таннархи арзон бўлиб, даромад кўтарилади. Ўтган йили колхоз пахтани машинада териб олишнинг ўзидан 105 минг сўм фойда кўрди. Бу йил ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда юз тоннадан пахта териб олишни, ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммасини (95 процент) агрегатлар бункеридан ағдаришни, шу туфайли қарийб 130 минг сўм фойда кўришни планлаштирдик.

Бунинг учун ҳамма майдонлардаги ғўзани машина теримига мослаб ўстирмоқдамиз. Илгариги йилларда пахтани йиғиб-териб олишгача бўлган ишларни тўла машиналар зиммасига юклашга муваффақ бўлган бўлсак-да, пахта теримини агрегатлар елкасига тўла юклашга эриша олганимиз йўқ эди. Лекин биз бу йўлда катта тажриба тўпладик. Агар 1963 йилда ялпи ҳосилнинг атиги 16 проценти машиналарда териб олинган бўлса, бултур унинг қарийб 84 процентини машиналарда йиғиштириб олишга муваффақ бўлдик. Колхозимиз шароитида пахтачиликни комплекс механизациялаштириш нима беришини тушуниб қолдик. Ҳар йили бу йўлда кўзимиз пишиб борялти. Механизаторларимиз шароитга қараб иш тутишади.

Бизда ҳар бир колхозчига уч гектардан пахта майдони тўғри келади. Шунинг учун ҳам биз машинага суянмоғимиз даркор. Ҳамма майдонларда чигит 50х60 сантиметр схемасида квадрат-уялаб экилди. Бу ҳозиргача ҳамма майдонларда тўрт марта узунасига, тўрт марта кўндаланг ига культивация ўтказиш, икки марта барвақт озиқлантиришга эришишга имкон берди. Бундан ташқари ҳар икки культивациядан кейин бир марта чуқур қилиб кетмон чопиги ўтказилди. Шу туфайли майдонларимизда бегона ўт бош кўтара олгани йўқ. Ўғитдан ҳам, сувдан ҳам, культивациядан ҳам ғўзалар яхши баҳраманд бўлиб, барқ ураётган ва серҳосил бўлиб ўсмоқда.

Сирдарё областидаги «Андижон» совхозининг комплекс-механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур механизатор Мамажон Дадажоновнинг хати механизаторларимизга ёқиб тушди. Кўнглимиздаги гапларни айтибди, дейишди. Саксон бир механизатор унинг издоши бўлишга сўз берди. Механизаторларимиз бу йил ҳар бир машина ҳисобига юз тоннадан икки юз тоннагача пахта териб машинамиз, механизаторларимиз нималарга қодирлигини кўрсатишга бел боғлашди. О. Мирзакаримов, Р. Исмоилов, Ҳ. Ҳусанов, Ф. Бетиров, Б. Ортиков сингари ўндан ортиқ механизаторлар юз эллик тоннадан ошириб пахта териш машиналарини олишди. Шу хат асосида машина теримига тайёргарликни тезлаштириш ва кучайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олганмиз. Уни оғишмай амалга оширамиз.

Культивациянинг машина теримига мослаб ўтказилаётгани, ғўзалар меъёрида парвариш қилинаётгани, ишлар оби-тобида ўтказилаётгани ҳамма майдонлардаги ғўзаларнинг машинабоп бўлиб, бир текис ўсишига имкон бермоқда. Одатда август ойида ғўзаларнинг кўкига ишониб, парваришни кўп жойларда тўхтатиб қўйишади. Бу зарардан бошқа нарса эмас. Биз август ойи ичида қатор ораларини яна икки марта ишлашни кўзда тутяпмиз. Ҳозиргача ҳамма майдонлардаги ғўзаларимизни чеканкадан чиқариб олдик. Сентябрь ойида ҳам айрим пайкаллардаги ғўзаларни танлаб чеканка қилишни мўлжаллаётирмиз. Буларнинг ҳаммаси ҳисоб-китобларимизга қараганда бу йил пландаги 24 ўрнига ҳар гектар майдондан 30 центнердан хирмон кўтариш имконини беради.

Машина теримининг қанчалик муваффақиятли ўтиши машиналарнинг мавсумда қандай ишлашига боғлиқ. Терим машиналарини колхознинг ўзида механизаторларимиз ремонт қилишяпти. Ҳар бири уч-тўрт кишидан иборат олтита ремонтчилар бригадаси ташкил этилган. Учта группа пахта териш машиналарини, қолган группалар алоҳида-алоҳида кўсак чувиш машиналарини, прицепларни, кўрак териш машиналарини ремонтдан чиқараётир. Ҳозиргача 25 та пахта териш машиналари ремонтдан чиқариб қўйилди. Қолган бештаси ҳам ҳафтасига шай қилиб қўйилади. Кўрак териш ва кўсак чувиш агрегатларини 10 августга қолдирмай тўла ремонтдан чиқариш тадбирлари кўрилаётир. Биз машиналарни барвақт ремонтдан чиқариш билан биргаликда уларнинг ниҳоятда сифатли созланишини ўзаро назорат қилиб боряпмиз. Бу ўзимизнинг фойдамиз. Бундан ташқари сифатли ремонт учун рағбатлантириш тартибини ҳам жорий қилдик. Агар машина ремонтдан кейин мавсум давомида нуқсонсиз ишласа, уни ремонт қилган кишига ремонт ҳақининг 40 проценти миқдорида қўшимча ҳақ берамиз.

Умуман механизаторларимиз пахтачиликни механизациялаш туфайли ҳар йили катта даромад олишмоқда, шунинг учун ҳам машинага ихлослари баланд. Улардан ҳар томонлама уиумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Колхозчилар 1959 йилда атиги 274 сўмдан иш ҳақи олишган бўлса, бултур бу кўрсаткич беш баравар кўп бўлди. Чунки пахтадан келаётган даромаднинг 60 процентини колхозчиларга меҳнат ҳақига бераётирмиз. Даромад эса пахтачилик тўла механизациялашиб боргани сайин ортиб боряпти. Бултур бир миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик. Бизнинг ниятимиз бу йил колхозда теримни тўла агрегатлар елкасига юклаш, шу билан колхозимизни тўла комплекс механизациялашган хўжаликка айлантиришдир. Бунинг учун имкониятларимиз ҳам, тажрибамиз ҳам етарли.

Ҳ. МАРОЗИҚОВ,
Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

Р. ЭРГАШЕВ,
республикада хизмат кўрсатган механизатор.



Сирдарё областидаги «Пахтаорол» совхози бу йил мамлакатга 20 минг тонна «оқ олтин» етказиб беради. Яхши парвариш қилинган ғўзаларнинг ҳар тупида ҳозирнинг ўзидаёқ 15 тагача тўқ кўсак саналиб мумкин. Ғўзалар ёғмир ёғдирувчи агрегатлар билан суғорилаяпти. Бундай агрегатлар совхозда 60 та. Сиз бу суратда ғўзани ёғмир ёғдирувчи агрегатларда суғорилаётганлигини кўриб турибсиз.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

Чорвачиликни муваффақиятли ривожлантириш, сут, гўшт, қоракўл тери, жун ва бошқа хил маҳсулотларни кўп етиштириш, сортини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришда чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Халқимизда «озуқли от ҳоримас» деган нақл бор. Шунга ўхшаш мўл-жалдаги пичан, беда, сомон, янтоқ, озуқабоп ўтлар вақтида ўриб-йиғилиб, саранжом-саришталаб олинса, чорва биноларимиз ремонт қилинса қишлов қўрқинчли бўлмайди, моллар тўйгини кўпайтириш, маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш планлари бажарилаверади.

1966 йилда давлатга қоракўл тери сотиш плани ошириб адо этилди. Биринчи сорт тери тайёрлаш қарийб 25 процент кўпайди. Қўйлардан жун олиш анча ортди. Сут, гўшт тайёрлаш ва давлатга сотишда ҳам шундай муваффақиятларга эришилди.

Ўтган ярим йилда совхозимиз Ватанга 300 тонна бўрдоқи гўшт сотди. Хўжалик тарихида бунчалик кўп маҳсулот тайёрланганини ҳеч ким эслай олмайди. Биринчи қирқинчидаёқ йиллик планнинг 80 проценти миқдорида жун тайёрланди. Буларнинг ҳаммаси ўтган йили барча турдаги чорва моллар учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрланганлиги натижасидир.

Мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш учун имкониятлар борми? Ҳа, бор! Баҳорда ҳаво серёғин келди. Яйловларда бегона ўт, бедазорларда беда мавжланиб ўсди. Биз бундан фойдаланиб ем-хашак тайёрлашни қизитиб юбордик. **Бугунги кунгача 5 минг тоннага яқин дағал хашак тайёрланиб, қишлов жойларга ғарамлаб қўйилди. Икки ўримда 400 тонна беда олинди. Бу — йиллик планнинг 80 процентидан кўпроғини ташкил этади. Беданя камида яна икки марта ўрамиз.**

Хўжалигимизда 50 минг бош қоракўл қўй, салкам 2 минг бош қорамол бор. Ҳар бош қорамол ва қўйга қиш фасли учун қанча ем-хашак кетиши ҳисоблаб чиқилди. Шундай тадбир отарлар, фермалар бўйича ҳам ўтказилди. Ундан ташқари маълум миқдорда запас озуқа сақлаш кўзда тутилди.

Тузилган план сўзсиз бажарилиши керак. Борди-ю, бир хил ем-хашак етишмаса, унинг ўрни иккинчи хил озуқа билан тўлдирилиши, озуқани сарфлаш балансини тузилаётган кезда бу ҳол тўла ҳисобга олиниши зарур. Чунки ширали ва тўймли озуқа қанча кўп бўлса, маҳсулот миқдори шунча орта боради. Лекин бу йилги шароитда ем-хашак тайёрлаш планини ҳамма турлари бўйича бажариш мумкин.

Бу йил тоғ бағри, текислик жойлар, чўлда пичан яхши бўлди. Янтоқ ва шувоқдан ҳам мўл озуқа олиш кўзда тутилмоқда. Бошқа дағал ва юмшоқ пояли ўтларнинг авжи ҳам чакки эмас. Тоғ бағри ва этакларида ёввойи беда-йўнғичқа, қўнғирбош каби галласимон ўтларнинг барқ уриб ўсиши қишлов учун ҳар қачонгидан кўп ва тўймли хашак жамғариш имкониятини бераётир. Галла ўрим-йиғимиз бошланганча пишиб етилган табиий ўтлар ўриб олинди. Шундан сўнг ишчи кучи, транспорт воситалари бўғдой ва арпа ўришга сафарбар этилди. Дон-дукакли экинлар йиғиштириб олингач, ҳамманинг диққат-эътибори яна ем-хашак тайёрлашга қаратилди. **Шунинг қувончлики, бу йил биринчи марта турли ўтлардан 200 тоннадан зиёд силос бостирилди.**

Ўт ўримини тез ва сифатли ўтказиш учун махсус ем-хашак тайёрлаш бригадалари тузилди. Улар механизмлар ва транспорт воситалари билан таъминланди. Кунлик ўрим графиги белгиланди, унинг ижроси учун кураш олиб бориляпти. Коммунистлар, комсомоллар, маҳаллий Совет депутатларидан юз киши бу муҳим участкада иш олиб боряпти. Ўрилган ўт вақтида йиғиштириб олинсагина гул ва барглари тўкилиб кетмайди. Буни эътиборга олиб ўрилган ўт сергиши билан ғарамга босиляпти. Ташиб кетишга иложи бўлмаган тақдирда бир жойга уйиб қўйиляпти. Ўроқчиларимиз техника қувватидан самарали фойдаланиб, **шу кунга қадар кўзда тутилган 1400 тонна ўрнига 3,5 минг тонна пичан тайёрладилар.**

Юқорида айтилганидек, далаларимизда ғалладан ҳар қачонгидан юқори ҳосил етиштирилди. **Совхоз давлатга пландаги 5,5 минг тонна ўрнига 11,5 минг тонна дон сотди, кузда экиш учун 2200 тонна уруғлик ажратиб қўйилди.** Арпа ва бўғдойдан қутилгандан зиёд ҳосил олиниши чорва моллари учун кўплаб концентрат ажратиш имкониятини берди. **Қишлов даврида соғин сигирларга, бўғоз қўйларга бериш учун 1200 тонна концентрат ажратилди.** Ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт фонди ҳам ташкил қилинди. Шу йил билан хўжалигимиз ўз эҳтиёжини тўла қоплайдиган даражада емга эга бўлди.

Илгари ем-хашак чорва моллара майдаланмай берилар эди. Оқибатда анча исроф-тарчилик бўларди. Сўнгги йилларда кўплаб хашак майдалайдиган, хашакни концентрат озуқа билан қориштирадиган машина ва агрегатлар харид қилдик. Эндиликда бузоқлаган сигирлар, қўзилаган совлиқлар узоқ вақтгача қоришма билан боқилади. Бу билан сут миқдори кўпайяпти, қўзилар тез ва соғлом ўсяпти, яхши семиряпти. Қишловда сарфлаш кўзда тутилаётган ем-хашакни қора совуқ бошлангунча ДКУ агрегатидан ўтказиб қўйиш ниятидамиз.

Баҳорда ёғингарчилик кўп бўлиши туфайли бугдой ва арпа бўйчан бўлди. Натижада сомон ҳам кўп бўлди. Биз ўримйиғим вақтида, ундан кейин ҳам ҳар грамм дон учун қандай қаттиқ кураш олиб борган бўлсак, сомон учун ҳам шундай курашяпмиз. Чунки чорвадорларимиз бугунги сомон эртага қишловни беталафот ўтказишнинг гарови, сут, гўшт-ёғни кўпайтириш, қоракўл тери сифатини яхшилашнинг муҳим омили эканини яхши биладилар. Шу кунга қадар 4 минг тоннадан зиёд сомон жамғарилди. Сомонни усти ёпиқ бостирмалар, махсус жойларга уйиб қўйиш керак. Эҳтиёждан ортиқча сомон бўлса, қўшни чорвадор хўжаликларга берган маъқул. Масалан, биз ортиқча сомонни Бухоро ва Қашқадарё областларининг чорвадорларига бердик.

Чорва моллари қишдан тўқ ва семиз чиқаришда, маҳсулдорлигини оширишда силоснинг аҳамияти катта. Буни ҳисобга олиб силосбоп экинлардан юқори ҳосил етиштирдик, силос бостиришни жадал давом эттирмоқдамиз. **120 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан ўртача 400 центнердан сўталик маккажўхори ҳосили олиниб силос бостирилянти. Шартли суғориладиган ерда бу дуруст ҳосил ҳисобланади. 620 гектар пайкалда кунгабоқар ўстирганмиз.** У ҳам авжи гуллаб силосбоп ҳолга келди. Чорвадорларимиз фурсатни ғанимат билиб, силос бостиришни смена билан давом эттирмоқдалар. **Мавсум бошлангандан бери 2500 тоннага яқин маккажўхори ва кунгабоқар силоси бостирилди.**

Ем-хашак ҳақида гап борганда чорвадорлар янтоқни юксак баҳолайдилар. Янтоқ ҳамма турдаги чорва моллар мижозига мос келади. Шунинг учун ҳар бир бўлим, ферма ва отар коллективи кўпроқ янтоқ тайёрлаш, ғарамлаб олишга ҳаракат қилади. **Беш йилликнинг биринчи даврасида 1500 тонна янтоқ жамғаришга аҳд қилдик.** Янтоқ ўримини сентябрь ойи ўрталаридан бошлаб, бир ҳафта-ўн кунда муваффақиятли тугаллаймиз. Унгача янтоқ тўла гуллаб пишади.

Ем-хашак тайёрлашни қизитиш билан қишловга тайёрлиқни бошқа ишларни ҳам авж олдириб юбордик. Қўйхона, молхоналар ремонти қизғин давом эттириляпти. Қишлов жойларга концентрат озуқа ташиляпти. Қудуқлар, қўйлар сув ичадиган охурлар тартибга келтириляпти. Баъзи ўрта ва ўртадан пастроқ семизликдаги қўй-қўзилар ажратиб олиниб, алоҳида озуқа рациони билан боқиляпти. Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзолари иссиқ кийим-кечаклар билан таъминланяпти. Усмон Одамбеков, Эргаш Юсупов, Босим Дадилов, Маматқул Усмонов каби илғор чўпонлар отарида қишловга тайёргарлик ишлари тугалланди.

Чорва моллари учун кўплаб ем-хашак жамғарамиз, қишловни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан кутиб оламиз.

Ў. ТОШБЕКОВ.
Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхозининг директори.

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИНГ

ХАТЛАРГА ОБЗОР

Ҳосил тўплаш ойи — июль тугади. Пахтакорлар ҳаётида яна бир муҳим ва ҳал қилувчи босқич — ҳосилга ҳосил қўшиш даври бошланди. Ҳа, август ҳосил тақдирини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Бу ҳақда редакциямизга жуда кўп хатхабарлар келиб турибди. Уларда улкан хирмон ишқида сабот ва матонат кўрсатиб меҳнат қилаётган пахтакорларимизнинг режалари, амалга ошираётган тадбирлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

— Оққўрғонликлар ажойиб ташаббус бошладилар, — дейди ўртоқ О. Усканов. — Улар бу йил ҳосилнинг камида 70 процентини машиналарда териб олишга сўз бердилар. Шу райондаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари ҳам августда ғўза парваришини янада қизитиб, йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар. Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоздан О. Абдурахмонов, О. Эшонқулов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан М. Карачик, «Оққўрғон» совхозидан Т. Деҳконов, Димитров номли колхоздан Ў. Эгамов, Бекободдаги 2-совхоздан Т. Усмонов, шу райондаги Навоий номли колхоздан Э. Қиркбоев ўртоқлар ҳам мазкур хўжаликларда ҳосилга ҳосил қўшиш учун агротехника тадбирлари ўз муддатида амалга оширилаётганлигини маълум қилишган.

Самарқанд, Фарғона, Андижон областлари пахта далаларида ҳам Мамажон Дадажоновнинг издошлари кўпайиб бормоқда. Механизаторлар оққўрғонликларнинг қимматли ташаббусига лаббай деб жавоб бермоқдалар. Бу ҳақда хабар юборган Б. Бўриев, Т. Қулманов, П. Кубаев, Р. Худойбердиев, У. Ўрозов, Қ. Азимов, Р. Акбаров, Х. Дадажонов, Т. Мирзараҳматов, Ж. Болтабоев, О. Баротов, Т. Муқимов, С. Асқаров, М. Аҳмедов, О. Мўминов, Е. Абдуллаев, М. Тошпўлатов, М. Шерматов, М. Ҳолматов, Я. Дадажонов, М. Бобошев, В. Ҳасанов, М. Бокижонов, К. Раҳимов, Р. Эминов, Х. Жамолиддинов ва бошқа ўртоқлар Пастдаргомдаги «Москва», Крупская номли, Нарпайдаги «Коммунизм», Иштихондаги «Партия XXII съезди», Нарпайдаги «Ўзбекистон», Пайариқдаги Киров номли, Охунбобоев районидаги «Москва», Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод», Бағдоддаги «Большевик», Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Киров номли, Охунбобоев районидаги Ленин номли, Бўз районидаги Калинин номли, Янгиқўрғон районидаги Навоий номли, Намангандаги «Москва», Учқўрғондаги «Москва», Намангандаги «Ленинград», Учқўрғондаги Энгельс номли, Чустдаги «Ленин йўли», Бўздаги «Партия XVII съезди», Чустдаги «1 Май», Намангандаги Свердлов номли, Янгиқўрғондаги «Октябрь», Андижон районидаги «Ленинград» ҳамда Москва районидаги Охунбобоев номли ва бошқа хўжаликларда ҳар туп ғўзада 4-5 тадан тўқ кўсак тўпланганлигини, август ойида эса гул ва кўсакларни янада кўпайтириш учун ғўза парвариши жадал суръат, аъло сифат билан давом эттирилаётганлигини маълум қилишган.

Ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстириш, ҳосил тугунчаларининг тўкилиб кетишига йўл қўймаслик, пахта теримига пухта тайёргарлик кўриш учун кураш республикамизнинг бошқа областларида ҳам авж олиб кетди. Бухороодан хабар йўллаган ўртоқ С. Сафаров бундай деди:

Ромитан районидаги «Октябрь» колхозида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Шу кунларда «шарбат» оқизиш қизитиб юборилди. Август ҳосилга-ҳосил қўшишда зарбдор ой деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ғўза қатор ораларини яхши ишлаш ҳамда машина теримига пухта тайёргарлик кўриш ҳар қачонгидан ҳам жонлантириб юборилди. Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоздан А. Насриев, Ромитан районидаги Свердлов номли колхоздан Ш. Шерриев, Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхозидан М. Маъруфова, Вобкентдаги «Ленинобод» колхозидан Н. Мусаев, Шўрчидаги «Шарқ юлдузи» колхозидан Х. Содиқов ва Р. Авазов, Сарпосё районидаги «Правда» колхозидан Б. Бобоқулов, Шўрчидаги Энгельс номли колхоздан Д. Бойназаров, Гурлан районидаги Куйбишев номли колхозидан К. Иброҳимов, Шовот районидаги «Москва» колхозидан Р. Отаҳонов, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоздан И. Исмоилов ўртоқлар ўз хабарларида ҳосилга ҳосил қўшиш ойида янада баракали меҳнат қилаётган пахтакорлар ҳақида, машина теримини шайлаб кутиб олаётган механизаторлар тўғрисида завқланиб ёзадилар.

Қоракалпоғистон АССРдан, Сирдарё ва Қашқадарё областларидан олинган хат-хабарларда ҳам пахта усталарининг шу кеча-кундуздаги — ташвишлари тўғрисида гап юритилади. Тўрткўлдан хабар ёзган Ш. Ҳусинбоевнинг айтишига қараганда «Совет Ўзбекистони» колхози аъзолари бу йил мамлакатга қарийб 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд-паймон қилган. Барча бригадаларда мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Матназар Машарипов, Қозоқ Эгамбердиев, Ортик Хўжаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда айниқса мўл ҳосил етиштирилмоқда. Колхозчилар чеканкани бошлаб юборишди. О. Собиров шу райондаги Димитров номли колхозда, Қ. Ҳидиров, О. Нажимов, П. Самарховов ўртоқлар Амударё районидаги Крупская номли колхозда, Чимбой районидаги бир қатор хўжаликларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш яхши уюштирилганлигини маълум қилишган.

Н. Олимов, С. Каюмов, Д. Маматқулов, Ю. Умиров, Э. Хасанов ўртоқлар Жиззах районидаги «Коммунизм», «Москва» колхозлари, Ильич районидаги 1-пахтачилик совхозида, Шаҳрисабздаги Фрунзе номли ҳамда Яккабоғдаги «Коммунизм» колхозларида ҳосилга кўпроқ ҳосил қўшиш учун культивация, суғориш, «шарбат» оқизиш каби тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилаётганлиги ҳақида хабар юборишган. Бу хўжаликларда агрегатлар ремонти тугалланай деб қолган, йўл-кўприклар тузатилмоқда, хирмон жойлари, тош-тарозилар тартибга келтирилмоқда. Энг асосий диққат ва эътибор гулгагул, кўсакка-кўсак қўшиш ҳамда пахтани тезроқ етилтиришга қаратилмоқда.

Афсуски, айрим хўжаликларда ғўза парвариши шу кунининг талабларига жавоб берарли даражада уюштирилмаган. Бу ҳақда ҳам хабарлар олиб турибмиз. Сирдарёлик К. Шодиқулов Сирдарё районидаги Свердлов номли колхозининг баъзи бригадаларида ғўза парвариши кечиктириб юборилаётганлигини ачиниб хабар қилади.

Ҳа демай асад кирди. Асад — экинингни ясат дейди деҳқонлар. Чиндан ҳам экинни ясатган, уни қалб кўри билан парвариш қилган, вақтида суғориб, қатор ораларини вақтида культивация қилган, моромида «шарбат» оқизган пахтакор доғда қолмайди. Шундай экан, август ойида барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ғўза парваришини тагин ҳам қизитиб юборайлик. Мамажон Дадажонов ва оққўрғонликлар ташаббусига қўшилмаган бирорта ҳам пахтакор қолмасин.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДАН

«КОММУНА»

Марказий Фарғонада ташкил топган Карл Маркс номли колхоз пахтачиликни комплекс механизациялашда машъал хўжалик ҳисобланади. Колхоз 1962 йили ялпи ҳосилнинг атиги ўндан бир қисмини машинада териб олган бўлса, кейинги йиллари комплекс механизация йўлига дадил ўтиб олиб, «зангори кема»ларни пахтазор пайкалига кўплаб киритди. Ўтган йили салкам минг гектар майдондаги ҳосилнинг 84 проценти машиналарда териб олинди. Ҳар бир машина бункеридан 87 тоннадан «оқ олтин» тўкилди.

Комплекс механизация кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил олиш имкониятини берялти. Ўтган йили ҳар гектар ердан 24 ўрнига 30 центнердан дур ундирилиб, машина теримининг ўзидан 130 минг сўм соф фойда олинди.

Коммунистик меҳнат колхози номини олиш учун курашаётган хўжалик аъзолари бу йил етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб олишга аҳд қилишган. Мамажон Дадажоновнинг 81 сафдоши шу кеча-кундузда пахтазорда жавлон уриб, меҳнат қилялти, ғўзани машина теримига мослаб парвариш этяпти.

Фарғона область «Коммуна» газетаси мазкур колхоз пахта далаларида ғўза парвариши қандай бораётгани, илғорларни рағбатлантириш, пахтакорлар жасорати, комплекс механизациянинг иқтисодий моҳиятига бағишлаб ўзининг бир саҳифасини ажратди.

Газета ўзининг ҳар сонида машина теримига тайёргарлик ҳақида, Мамажон Дадажонов издошларининг режалари тўғрисида ижобий ва танқидий материалларни бериб бормоқда.

Ёшлар ижодидан

ЮР ҚИШЛОҚҚА

Юр қишлоққа, юр дўстгинам,
юр,
Уша таниш булоқ бўйига.
Сўнаётган севгингга буюр,
Кетсин ўша эски ўйига...
Қишлоқларда гап юрар дув-дув:
Бўй чўзибди бир пари рухсор,
Бўлса ҳамки у қанча сулув,
Кутар эмиш кимнидир бедор,
Тонг саҳарлаб ва оқшом чоғи
Қиз булоқда бўлармиш танҳо.
Юр, дўстгинам, бахт кулди чоғи,
Биримизни севиб қолса, оҳ!

ТЎП

Салобатли оёқлар зарби
Дарвозага иргитди, ана.
Дарвозабон ҳушёр, асабий,
Уни тепди майдонга яна.
Яна кураш, жанг, ўйин...
Тўпнинг
Мен ҳайронман бу бардошига.
Титраб дейман: — Ҳаётда бу ҳол
Ҳеч тушмасин инсон бошига.

ИШОНЧ

Тайёр бўлди сафарим юки,
Юрак эса тепади дук-дук.
Термуламиз бир-биримизга,
Ажралишни хоҳламас эдик.
Аммо эрнам, меҳру ёдингни,
Қайга бормай бирга элтаман.
Ишончимни қолдириб сенга,
Ишончингни олиб кетаман.

ОНА МЕҲРИ

Тупроққа ботардим, усти-бошим
чанг,
Утганнинг ортидан отар эдим
тош.
Қўнғир соч қизларнинг сочидан
тортиб,
Ноилож қайтардим қорайганда
қош.
Шом тушгач, қўшнилар
олдинма-кейин
Уйимиз қошида тўпланишарди.
Онамга ёғдириб таъна
тошларин:
— Углингни тийиб қўй, — деб
бошларди.
Онам шапалоғин аччик
зарбидан,
Алвондек юзимда думаларди еш.
Сўнгра дердим: — Тўхтанг, бас
қилинг она,
Ҳеч кимга энди мен
егдирмайман тош!
Билмайман, кечанинг ялла
пайтида
Онам эрналарди: — Хўрсинма,
ўглим,
Бошинг лат едими, ёки
бикининг?
Илоҳим синсин-да шу носос
қўлим.

Гелди БЕРДИЕВ.

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

ИЛК МАРТА ОСМОНГА КЎТАРИЛИБ, ПАРАШЮТ БИЛАН САКРАГАН ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Охунбобоев район партия комитетининг инструктори Каромат Раҳмонқулова билан суҳбатлашиб ўтирардик. У гапдан-гап чиқиб:

— Менинг бир дугонамни топишга ёрдам бера олмайсизми? — деб қолди.

— Ким деган? Қаерлик?..

— Оқила Отауллаева. Хоразмлик. Бирда, «Тошкентда ўқитувчи бўлиб ишлар экан» — деб эшитиб эдимку, лекин изини топа олмадим. У билан бундан йигирма тўққиз йил бурун бирга ўқиб, бирга осмонга кўтарилиб, парашютдан ташлаган эдик. Авиация куни республикамизда бешинчи марта нишонланганда ҳам бирга ҳаво пароддда қатнашгандик. Олти минг метр баландликдан биринчи марта парашютда сакраган эдик. Ўшанда раҳматли Йўлдош ота Охунбобоев бизларни табриклаб, «Балли, сизлар ўзбек қизларидан чиққан биринчи қалдирғоч бўлдингизлар» деган эдилар. Иккимиз ҳақимизда газеталарга ёзиб чиқишган эди...

Шу гап бўлди-ю бизни осмонга кўтарилиб, парашютдан ташлаган биринчи ўзбек қизларининг тақдири қизиқтириб қолди. Каромат Раҳмонқулова Данғарада колхоз комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлаб юрган кезларда Қўқон шаҳар комсомол комитети уни Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги бўйича олий коммунистик мактабининг комсомол ходимлари тайёрлаш курсига ўқишга жўнатади. Ўша, 1937 йилда у курсда ўқиб туриб, Оқила билан танишади. Иккаласи маслаҳатни бир ерга қўйиб осовиахиминг бир йиллик учувчилар тайёрлаш мактабига ҳам қатнай бошлайди. Митти «У-2» самолётида учишни, парашютдан ташлашни ўрганишади. Уч ой Сергилида практикада бўлишганда Каромат ва Оқила олти марта 4-6 минг метр баландликдан парашютда ташлаб рекорд қўяди.

Икки дугонанинг номи шундан кейин оғизга тушиб, уларни Москвадаги Чкалов номли аэроклубда ўқишга таклиф этишади. Лекин қизлар ҳозир бунинг мавриди эмас, биз қишлоғимизга қайтишимиз керак, ишлашимиз керак — деб, розилик беришмайди. Бу орада комсомол ходимлари тайёрлаш курсини битириб, Каромат Фарғонага, Оқила Хоразмга ишга кетишади.

Кейин Каромат Раҳмонқулова «Янги Фарғона» ва Киров номли колхозларда раис бўлиб ишлади. 23 йилдан бери эса Охунбобоев район партия комитетида ишлаб келмоқда. У бир қанча марта дугонасининг изини топишга, тақдирини билишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бу уринишлар натижа бермади. Зора шу хабар биринчи марта осмонга кўтарилишган ва парашютдан ташлашда жасорат кўрсатган ўзбек аёлларини учраштиришга сабабчи бўлса, деган умиддамиз.

М. МАНСУРОВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

3% ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

112-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1966 йил 30 июлда Донецк шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма йигирма бир разряддаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
000535	30*)	500	030092	11*)	1.000	064509	08*)	500
001032	04*)	1.000	032500	29*)	500	064559	32*)	500
001124	1—50	40	032770	22*)	1.000	065245	14*)	500
002790	1—50	40	033871	34*)	1.000	065446	06*)	500
003198	45*)	500	034579	1—50	40	066285	37*)	5.000
003244	22*)	500	034707	41*)	500	066376	21*)	500
003539	48*)	1.000	035000	1—50	40	066904	08*)	500
003610	22*)	500	035044	1—50	100	066924	1—50	100
003961	22*)	500	036662	1—50	100	067087	13*)	500
004936	13*)	1.000	036860	50*)	500	067438	05*)	1.000
005473	44*)	500	037466	1—50	40	067628	42*)	500
006093	13*)	500	038024	1—50	40	067829	05*)	1.000
006228	14*)	500	038037	1—50	40	068082	46*)	500
007352	1—50	40	038737	39*)	500	068739	22*)	500
008032	47*)	500	039134	27*)	1.000	069256	41*)	500
008153	1—50	40	039633	1—50	40	069795	1—50	40
009287	1—50	40	039635	30*)	500	069915	05*)	500
009321	32*)	1.000	040188	45*)	500	070915	1—50	100
010750	1—50	100	040205	45*)	500	071292	21*)	2.500
010959	21*)	500	041001	35*)	500	072990	10*)	500
010961	1—50	40	041928	1—50	40	073534	20*)	2.500
012103	18*)	1.000	042308	1—50	100	073542	06*)	500
012576	47*)	1.000	042453	1—50	40	074283	48*)	1.000
012880	1—50	40	043015	07*)	500	078393	1—50	40
013587	1—50	40	043781	37*)	500	079985	04*)	500
013948	12*)	500	044379	1—50	40	080263	50*)	1.000
014137	1—50	40	044544	41*)	2.500	081295	02*)	500
014372	29*)	1.000	044840	05*)	500	081866	15*)	1.000
016318	21*)	500	046045	32*)	500	084305	1—50	40
016871	1—50	40	046791	1—50	40	084466	39*)	500
017721	1—50	40	048205	03*)	500	085154	1—50	40
018111	17*)	500	049544	1—50	100	085491	19*)	500
018955	23*)	500	049751	1—50	40	085697	1—50	100
019188	13*)	500	049960	05*)	500	086056	1—50	40
019690	16*)	500	051336	42*)	500	088575	21*)	500
019703	39*)	1.000	051970	17*)	500	088600	16*)	500
019813	38*)	1.000	052710	31*)	500	088839	14*)	1.000
020203	05*)	500	053127	1—50	100	089051	1—50	40
020925	1—50	40	053288	44*)	500	089397	1—50	40
021629	29*)	500	053602	09*)	500	089518	25*)	500
021703	1—50	100	053772	1—50	100	089596	13*)	2.500
022005	14*)	500	054417	18*)	500	089644	1—50	40
022847	03*)	500	054818	07*)	1.000	090671	07*)	500
023950	1—50	100	055645	16*)	500	091263	15*)	5.000
023988	04*)	2.500	055929	1—50	40	092180	28*)	1.000
024147	1—50	40	056093	1—50	40	092268	1—50	100
024515	27*)	1.000	056294	1—50	40	092777	1—50	40
024553	37*)	500	058799	1—50	40	093919	27*)	500
025254	16*)	500	059327	1—50	40	094442	1—50	40
025830	1—50	40	059836	1—50	40	094509	13*)	1.000
027063	25*)	500	060198	04*)	500	094926	35*)	500
028009	1—50	100	060425	37*)	500	096496	03*)	500
029221	44*)	1.000	060620	1—50	40	097010	07*)	500
029419	22*)	500	062406	48*)	500	098047	1—50	40
029485	07*)	500	063025	42*)	1.000	098088	08*)	500
029544	41*)	500	063677	1—50	40	098416	13*)	500
029740	48*)	500				098733	10*)	500

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияга ютуқнинг ярми тўланади.

Облигациянинг ўз қиймати ютуқ суммасига қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари ютуқларни газетанинг янги сони келгандан кейин шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Донецк область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. И. ЛЕБЕДЕВ.
Комиссиянинг масъул секретари Н. В. КУЗНЕЦОВА.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Планетамизда

ИРОҚ. Бағдоддаги Совет маданий мар кази олдида.
Л. Вольнов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

СУДАННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг мухбири Хартумдан хабар беради: Судан бош министри Содиқ Алмаҳди янги кабинет тузилганлигини эълон қилди. Янги ҳукуматнинг министрлари мамлакатдаги мўътабар икки партиянинг — «Алумма» партиясининг ва Миллий иттиҳод партиясининг вакилларидан иборат бўлди. Бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри қилиб Иброҳим Алмуфти тайинланди.

Ғарбий Покистондаги зилзиланинг оқибатлари

КАРОЧИ. Яқинда бу ерда рўй берган зилзила натижасида Дуки районидаги (Ғарбий Покистон) 100 қишлоқдан 20 таси тамомила вайрон бўлди. Ҳалок бўлган одамлар бор. (ТАСС).

МАКТАБНИ ЎҚҚА ТУТИШДИ

ХАНОЙ. 4 август. (ТАСС). Вьетнам Информация агентлиги хабар беради: Америка авиацияси 2 августда Куангбинь, Тхайбинь, Намха, Хайзионг вилоятларидаги ва Виньлинь районидаги аҳоли яшайдиган пунктларни ва саноат объектларини бомбардимон қилганлиги муносабати билан Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси кеча норозилик билдирган.

Шу куниёқ Америка қўғунлари демилитаризация қилинган зонанинг шимолий қисмидаги Кайтам қишлоғини ваҳшиёна бомбардимон қилдилар, шунингдек Тхайбинь вилоятининг Тхайань районидаги бошланғич мактабни ўққа тутдилар.

Польшанинг Бангкокдаги савдо вакили ўлдирилди

БАНГКОК. 5 август. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг Бангкокдаги савдо вакили Станислав Гледхотини ва қизи билан кинодан қайтиб келаётганида кеча кечқурун ўз уйи ёнида ўлдирилди. Икки номаълум шахс унга қараб ўқ отган. Полиция қотилларни қидириб юрибди.

ПЕНТАГОННИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК. 4 август. (ТАСС). АҚШ мудофаа министрлиги қуйидагиларни эълон қилди: Қўшма Штатлар ўз ҳарбий ҳаво кучларининг ҳозирги вақтда Франция территориясига жойлаштирилган олтита разведкачи экскадрильясини шу ойдан бошлаб кўчириб кетишга киришади. 3 та эскадрилья, дейилади Пентагоннинг баёнотида, Англиядаги базаларга кўчирилади, битта эскадрилья тарқатиб юборилади, қолган иккитаси АҚШга қайтиб келади. Эскадрильялар октябрь ойигача кўчириб бўлинади.

КУРАШАЁТГАН ВЬЕТНАМ КИШИЛАРИ

ФАМ ТЕО ЖАСОРАТИ

— Шундай яшаш керакки, ҳалок бўлганлар олдида кейин уятга қолма.

Бу Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг бўлима командири Фам Теонинг яхши кўрган сўзлари эди.

Жангчилар худди шундай яшагани учун ҳам унга ишонишарди. Фам Теонинг ҳулқ-атворида бирор кўзга ташланадиган, бўртиб турган нарса йўқ эди. У буйруқларни ҳам қичқирмасдан оддийгина сўзлар билан берарди.

У бутун бир пулемёт лентасини бекордан-бекорга сарфлаган жангчини ҳам қоймас, балки ўзи унинг ўрнига ётиб, ўқларни нишонга юборарди. Узоқ юришдан чарчаган жангчилар тепса тебранмайдиган бўлиб ухлаётган бир пайтда у овқат тайёрларди. У ярадорларнинг жароҳатларини боғларди. Одамлар, ҳатто унинг ўзи ҳам йиғлагиси келиб турганда ҳазил-мутойиба сўзлар қиларди. У йиғлаш мумкин эмаслигини биларди.

Теварак-атроф бунингсиз ҳам гам-ғусса билан тўлган. Ёндирилган ва таланган қишлоқлар, етимлар ва бевалар... Бўлинма жангчилари бир деярлик ҳар куни кўришарди. Улар ўртоқларидан ажралишар, чақирилмаган кўз ёшлари ўз-ўзидан оқарди. Уйдан келган хатлар одатда баланд овоз билан ўқиларди. Ҳамма бир-бирининг оилавий аҳволидан бохабар эдилар. Фам Тео ҳам бир ой муқаддам нотаниш хуснихат билан ёзилган мактуб олди. Хатдан у ғалабадан сўнг қайтиб келишни хаёл қилган қишлоқнинг аллақачон йўқолиб кетганини билди. У Америка бомбалари остида вайрон бўлган эди. Унинг на отаси, на турмуш ўртоғи, на ўғли қолди... Фам Тео ҳеч нимга бир оғиз сўз айтмасдан хатни чўнтагига ташлади.

...Озодлик армиясининг қисмлари Го Као дотини қуршаб олдилар. Тунда сапёрлар тўрт қаторли мустаҳкамлагичлар билан ўрнатилган тўсиқларни бузиб йўл очдилар. Тонг отаротмас ҳужум бошланиши керак.

Топшириқни олгандан кейин Фам Тео бўлинмаси дам олаётган. Командир дот схемасига ўйчан тикилиб қолган. Ҳозиргина у жангчилар билан схемани муҳокама қилган эди. У иш жуда ҳам оғир эканлигини тушунарди. Миномётлар ва пулемётлар ўрнатилган дот унча баланд бўлмаган тепалида жойлашган. Теварак-атрофнинг зўр эътибор билан текшириб чиқилгани мутлақо аён. Балки сапёрлар томонидан очилган йўл ҳам аллақачон нишонга олиб қўйилган бўлиши мумкин.

Балки душманни тўсатдан қўлга тушириш ҳам мумкиндир. Бироқ, дотдаги ҳарбий анжомлар, сув ва озиқ-овқат қачонгача етарини, буни ҳеч ким билмасди. У йўлнинг кесишган жойида душман колонналари ўтадиган муҳим участкани контроллик қилиб турибди.

Фам Тео белгиланган вақтдан ярим соат олдин бўлинмани тургизди. Йиғилиш пунктида ўз вақтида — бир минут олдин ҳам эмас, ё бир минут кеч ҳам эмас,— тўпланиш керак. Дарҳол олдинга интилиш зарур. Сезиб қолишмаганда иш кўрсатиш керак. Агар ярим йўлга етганда сездириб қўйдингми иш тамом. Фам Тео жангчиларга ўрнак кўрсатиб, олдинга югурарди. У уч марта ярадор бўлди, бироқ буни фақат унинг бир-бирига ёпишган тишларидангина билиш мумкин эди. Дўстлар ҳеч нарсани сезмасликлари керак — фақат олдинга! Фам Тео тўртинчи, энг охирги тўсиқдан ўтаётганда йиқилди.

— Олдинга! — у энгашган жангчига қараб буйруқ берди ва ўзи дот томонга қараб эмаклай бошлади.

— Олдинга... — энди у ҳушини йўқотган ҳолда ўзига буйруқ берарди...

Фам Тео врач унинг ярасини боғлашга тайёргарлик кўраётган пайтда, госпиталда кўзини очди.

— Нима бўлди?— бидирлади ярадор.

— Ҳаммаси жойида — Го Као бизники!

— Варча ярадорларга ёрдам кўрсатилдими?

— Йўқ ҳали, ҳозир сизнинг навбатингиз.

— Бошқаларга ёрдам кўрсатинг. Мен кутиб тураман...

Врач Фам Теонинг аҳволи жуда ҳам оғир эканлигини тушунтирар ва тезроқ қаракат қилиш кераклигини тасдиқлаша уринарди. Бироқ, у ўз айтганидан қайтмасди. У ўзи тўғрисида ўйлашга одатланмаган. Ёнига қўйилган санитар қизни шу заҳотиёқ бошқаларнинг олдига жўнатди:

— Сизнинг ишингиз кўп, мен ўзимни жуда ҳам яхши ҳис қиляпман, ўртоқларимга ёрдам беринг.

Фам Тео тирик қолган жанговар дўстларини кутди.... У дўстларининг қўлида, «шундай яшаш керакки, ҳалок бўлганлар олдида кейин уятга қолма» деган севимли сўзларини зўрга такрорлаган ҳолда жон берди...

А. ГУБЕР. (АПН).

Ханой-Москва.

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Чет эллардаги кўпгина матбуот органлари СССР Олий Советининг ўз ишини тамомлаган сессиясига катта эътибор бермоқда.

БЕЛГРАД. Ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари тўғрисида СССР ҳукуматининг баёноти ҳақида А. Н. Косигиннинг сессияда сўзлаган нутқининг батафсил баёнини «Борба» газетаси катта сарлавҳалар остида босиб чиқарди. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси умумий хавфсизликка бевосита таҳдид тугдирди, деб Совет ҳукуматининг бошлиғи айтган гапларни газета алоҳида бўрттириб бермоқда. Совет Бош министри, деб ёзади газета. Ғарбий Германия реваншчиларининг иккинчи жаҳон уруши якунларини ўзгартиришларига йўл қўйилмайди, деди. Европада социалистик давлатларнинг бузилмас иттифоқи мавжуд. Бу иттифоқ Германия милитаризмининг Шарққа борадиган йўлини абадий бекитиб қўйди.

А. Н. Косигин айтганидек, деб ёзади «Политика» газетаси. Совет ҳукуматининг бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга олдига қўйган мақсади социализм ва коммунизм қуриш учун қулай шароитни таъминлаб беришдир.

ГАВАНА. Сессияда А. Н. Косигин сўзлаган нутқининг баёнини «Грама» ва «Мундо» газеталари «СССР Кубани қувватлаётганлигини яна айтмоқда», деган сарлавҳа остида газетанинг кўзга кўринарли жойларида босиб чиқарди. Бошқа газеталар Совет ҳукумати бошлиғининг нутқида Совет Иттифоқи янги жамият қураётган революцион Кубани қизғин қўллаб-қувватлайди, деб айтилган гапларни тўла равишда келтирмоқдалар.

БРАЗЗАВИЛЬ. «Конго революцияси овози» радиоси СССР Министрлар Совети Раисининг нутқи ғоят аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлади. Вьетнамдаги агрессив уруш кенгайтирилаётганлиги муносабати билан, деди радио шарҳчиси. Олий Совет АҚШни жиддий огоҳлантирди.

Конго Информация агентлиги А. Н. Косигин нутқидан олинган парчаларни эълон қилди. Информация агентлиги, жумладан, А. Н. Косигин нутқида Вьетнам халқининг ўз территориясидан Америка агрессорларини ҳайдаб чиқаришга ёрдамлашмоқ учун Совет Иттифоқи мумкин бўлган ҳамма чораларни кўради, деб айтилган гапни алоҳида таъкидламоқда.

РАБОТ. Газеталар Совет ҳукумати бошлиғининг нутқидан олинган катта-катта парчаларни босиб чиқармоқдалар. Бу парчаларни бир қанча газеталар: «Вьетнам муносабати билан Қўшма Штатларга қилинган огоҳлантириш, «СССРнинг Шимолий Вьетнамга ёрдами кўпайтирилади» деган сарлавҳалар остида босиб чиқардилар.

«ПТИ Марокэн», «Магриб информасьон» ва «Вижи Марокэн» газеталари А. Н. Косигин нутқида СССР ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари тўғрисида, социалистик лагерь мамлакатлари билан муносабатлар ҳақида. Вьетнамга ёрдам тўғрисида. Хитой Халқ Республикаси билан, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари билан муносабатлар тўғрисида, капиталистик мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш ҳақида ва Франция—Совет муносабатлари ҳақида айтилган гапларга алоҳида эътибор бермоқдалар

БАҒДОД. Ироқ матбуоти Совет—Ироқ Қўшма ахборотини газеталарнинг кўзга кўринарли жойларида босиб чиқарди. Бу ҳужжат, деб ёзади «Албилод» газетаси ўзининг редакцион мақоласида, арабларнинг мустамлакачиликка қарши ва империалистик агрессияга қарши олиб бораётган курашига нисбатан Совет Иттифоқининг олижаноблик билан ҳайрихоҳлик қилаётганлигидан очиқ далолат бериб турибди. Совет ҳукумати тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш учун курашмоқда.

Совет — Ироқ қўшма ахборот, деб ёзади «Ассавра ал Арабия» газетаси, — муҳим тарихий ҳужжатдир. Вьетнамга ва бошқа халқларга қарши агрессия сиёсатини Ироқ билан Совет Иттифоқи қоралаганликлари ва бутун дунёдаги ҳарбий базаларни тугатишни талаб қилганликлари иккала мамлакатимизнинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос бўлиб тушганлигини ифодалаб берди.

Совет Иттифоқи Ироқнинг мустақиллигини ҳурматлаганлигини билдирди ва ҳамма соҳаларда Ироққа ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ўзининг тайёр эканлигини изҳор қилди. Бу эса қўшма баёнотда айтилган энг муҳим гапдир.

Совет — Ироқ дўстлиги, деб ёзади пировардида газета, мустаҳкам ва бузилмас дўстлик бўлиб, кундан-кунга маҳкамланиб бормоқда. (ТАСС).

ШАХМАТ

«ҲАМОН КЎЗ ЎНГИМДА»

— Тарқалинглар! Дуранг! Дуранг! — деб қичқиришарди отлиқ милиционерлар «Метрополь» меҳмонхонаси олдига тўпланган оломон орасидан аранг ўтаётиб. Кичкинагина фонтанчадан бир текисда отилиб турган сув ресторан залларида ажойиб манзара кашф этган. Москвада ташкил этилган биринчи халқаро турнир шу ерда ўтказиларди. Дастлабки куни бу ерга одам сиғмай кетди. Бўлмасамчи, фалаккинг гардиши билан жаҳон чемпиони кубалин Хосе Рауль Капабланка билан ундан енгилган собиқ чемпион, шахмат файласуфи Эммануил Ласкер шу кунлар ўзаро учрашадиган бўлиб қолишди. Москвалик ҳаваскорлар худди ана шу ўйинни кўриш иштиёқида келишди. Лекин ресторанининг кичкина-кичкина заллари ўйинни кўришни хоҳловчиларнинг барини сиғдира олмади. Меҳмонхона эшигининг оломон босгани шунинг учун эди. Ичкарига кира олмаганлар натижани нақотки беш соат типпа-тик туриб кутишса!

Ун бир чет эллик ҳамда бир неча совет шахматчилари иштирокида 1925 йили Москвада ўтказилган бу халқаро турнир, мамлакатимизда жуда катта қизиқиш туғдирган ва шунинг билан бирга ёш совет шахмат мактаби вакиллари олдида ҳали кўпгина қийинчиликлар, ечилмаган масалалар турганлигини кўрсатиб берган эди.

Яқинда кўпни кўрган тошкентлик шахматчилардан бири билан суҳбатлашиб қолдик.

Мавзу шахмат воқеалари бўлгани сир эмас албатта.

— Петросяннинг зўрлигини билардим, Спасский ҳам бало экан-а?! — деб менга савол назари билан қараб қўйди, суҳбатдошим.

Матчда ўйналган партиялардан унинг хабардор эканлигига ишончим комил эди. Қайси учрашувлар ўзига ёққанини ҳам айтиб берди.

Камол ана Соатовни таниганимга 20 йилча бўлганига қарамай, унинг ўша машҳур 1925 йилдаги халқаро турнирни ўз иўзи билан кўрганлигини эндигина билдим.

— ...Ушанда мен 15-16 ёшларда эдим,— деб қиноясини бошлади у.— Шахматга ҳаваси зўрлигини билиб қолган бир танишим, навбатдаги турга тўрт кун олдин билет олиб, мени ҳам ўзи билан бирга «Метрополь» меҳмонхонасига олиб борди. Заллар лиқ тўла, лекин мутлақ жимлик ҳукм сурарди у ерда. Бирдан шов-шув бошланиб кетди. Мексикалик ёш Торреннинг собиқ жаҳон чемпиони Эм. Ласкерга қилган комбинацияси ҳаммани, жумладан, мени ҳам ўзига жалб қилган эди. 40 йил муқаддам кўрганим — ўша комбинация ҳамон кўз ўнгимда...

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодлик — саломатлик гарови, 8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — «Ялла» концерти, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.), 10.30 — Балетлардан қуйлар, 11.10 — Халқ контролёрлари, 11.25 — Музиканга танаффус, 12.15—Спорт эшиттириши (рус.), 12.30 — Совет кинофильмлар и д а н қўшиқлар, 12.50 — Белоруссия радиосининг эшиттириши (рус.), 13.30 — Болтиқ бўйи республикаларининг эстрада қўшиқлари, 16.15 — Музикали соат, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Қўшиқлар, 18.30 — Концерт, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — Эстрада-рақс концерти, 21.20 — Қишлоқ оқшомлари, 22.10 — Қувноқ оҳанглар, 23.10— Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН.

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Саёҳатчи Қурбақа** (мультфильм), 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Кронштадт** (илмий-оммабоп фильм), 18.00 — **Концерт** (чех эстрадаси), 18.45 — **Актёр билан диалог** (ҳужжатли фильм), 19.05—**Кинофильм.**

Ўзбек тилида: 19.40 — **Телевизион янгиликлар**, 20.25 — **Олтин водий** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

22.00 дан — **Москва кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

ОБ-ҲАВО

Бугун Ўзбекистонда ҳаво қуруқ келади. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. Иссиқ 36-41 даражага етади. Фарғона водийсида эса 32-37 даражага иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлади, енгил шамол эсиб туради. Кечаси 20-22 даража, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/VIII да **Гули снёҳ**, 7/VIII да **Баг. ритош.**

РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

қўғирчоқ актёрлари

СТУДИЯСИГА

(Ўзбек ва рус группаларига) қўшимча

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 6-уй. Телефон В-3-08-37.

27 АВГУСТДА

Тошкент Давлат медицина институтини 1941 йил июнь ойида тамомлаб чиққан

ВРАЧЛАРНИНГ

УЧРАШУВ КЕЧАСИ

Б У Л А Д И.

Кечада қатнашишни хоҳлаган ўртоқларнинг қуйидаги адресга учрашишлари сўраладик: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 1-уй, Республика санитария маорифи уйи, Э. И. Юсупова.

«ЭЛЕКТРОСИБМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛАШ БЎЙИЧА СТАРШИЙ ПРОРАБИНИНГ ТОШКЕНТ УЧАСТКАСИГА

Тошкент шаҳрида ва Ўрта Осиё шаҳарларида электростанция ва подстанцияларнинг электротехника ускуналарини созлаш ишига:

инженерлар, техниклар, электромонтёрлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: 2-автобуснинг «ТашГРЭС» остановкаси, вақтинча посёлка, 5-уй, телефон 6-12-30.

Ўзбекистон ССР Соцнал таъминот министрлиги шахсий пенсионер, КПСС аъзоси

Нишонбой НУРИТДИНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область прокуратураси коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари шахсий пенсионер, прокуратуранинг собиқ ходими

Нишонбой НУРИТДИНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37263. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 177. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08671.